

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМЛИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

ЎЗБЕК АДАБИЁТИ КАФЕДРАСИ

ДИЛДОРАХОН АБДУЛЛАЕВА

ТУРКИЙ ХАЛҚЛАР АДАБИЁТИ

фанидан услугбий қўлланма

АНДИЖОН - 2005

Мазкур ўқув-услубий қўлланма ўзбек адабиёти кафедрасининг илмий кенгаши йигилишида маъқулланиб нашрга тавсия этилган.

Ушбу қўлланмада туркӣ қавмга мансуб туркман, қозоқ, кирғиз, корақалпок, озарбайжон, уйғур халқлари адабиётларининг ilk илдизлари, оғзаки ва ёзма адабиётининг ривожланиши ва таракқиёти, жаҳон адабиётидаги ўзига хос ўрни, маданият ва маънавият соҳасига қўшган ҳиссаси, турли даврларда фаолият кўрсатган кўзга кўринган адилларнинг ижоди таҳлил этилади.

Кўлланма институт ва университетларнинг филология факультети талабалари, магистр ва аспирантлари, филолог мутахассислар ва барча адабиёт ихлосмандлари учун мўлжалланган.

Такризчи: **доц. Б.Раҳмонов.**

Сүз боши

Мазкур кўлланма туркий халқлар адабиёти курси учун тузилган бўлиб, бу курс республикамизнинг педагогика институтлари ва университетларида филология мутахассислиги бўйича бакалавр даражасини олувчи талабаларга ўқитилади. «Туркий халқлар адабиёти» курси Ўрта Осиё ва Қозогистон, озарбайжон, татар, бошкирд ва ўзга туркий халқлар адабиётлари намуналарини ўз ичига олади.

Курсни ўқитишдан мақсад туркий халқлар адабиёти тарихини халқ оғзаки ижодидан тортиб бугунги кунга қадар бўлган давр ёзувчи, шоир ва драматурглар, уларнинг асарларида олға сурилган гоялар билан таништиришдир.

Туркий халқлар адабиётида ўрганилиши керак бўлган материаллар жуда кўп бўлиб, кўлланмада йирик-йирик шоир, ёзувчи ва драматурглар тўғрисида сўз юритилади. Жумладан, туркман, озарбайжон, киргиз, қозоқ, уйгур халқлари адабиёти ва уларнинг айрим истеъдодли намояндлари Маҳтумкули, Мирзо Фатали Охундов, Абай, Берди Кербобоев, Мухтор Авезов, Аали Тўқумбоев, Тўхтагул Сотилғанов, Чингиз Айтматов кабиларнинг хаёти ва ижоди ҳакида маълумот берилади. Таъкидлаш ўринлики, XX асрнинг сўнггги чорагида туркий адабиётлар ўз тараққиётига эришди.. Туркий халқлар адабиётида истеъдодли адибларнинг янги авлоди камолга етди. Талабчан китобхонлар диди ва бадиий завқини кондира оладиган бир қанча гоявий-бадиий етук асарлар пайдо бўлди.

Мазкур кўлланма орқали талабалар туркий халқлар адабиётининг ривожланиш босқичлари, уларнинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиётининг турли даврлардаги тараққиёти, айрим адибларнинг хаёти ва ижоди, туркий халқларнинг ўзаро адабий алокалари ва ўзаро таъсир масалалари билан танишишлари мумкин.

Туркий халқлар адабиёти

Туркий халқларга мансуб элларнинг оғзаки ва ёзма адабиёти уларнинг тарихи сингари бой ва қадимийдир. Туркий тилда сўзловчи қирқقا яқин халқлар ана шу қадимий бой адабиёт тараққиётига ўзларининг муайян ҳиссаларини кўшганлар. Уларнинг оғзаки бадиий ижодиётида муштарақ жанрлар бўлиши билан биргаликда мазкур халқлар фольклорида ўзига хос хусусият касб этувчи жанрлар ҳам мавжуд. Туркий халқлар фольклоридаги ҳажм жиҳатидан катта, бадиият жиҳатидан ўзига хос жозибага эга бўлган достонлар жаҳон халқлари фольклорида ҳам катта мавқега эга. «Китоби Дада Кўркут», «Ошик Фаріб», «Гўрўғли», «Манас», «Алпомиш», «Қизжибек», «Қўбланди ботир», «Қирккиз», «Шахриёр» каби халқ эпослари жаҳон халқлари фольклорининг ўлмас обидалари қаторидан муносиб ўрин олган.

Туркий халқларда ёзма бадиий адабиёт ҳам жуда ривожланган. Айниқса, шеърият ва наср ўзининг юксак тараққиётига эришган. Туркий адабиётдаги ҳамсачилик анъаналари, тасаввуф шеъриятидаги ютуқлар фикримизни яна бир карра исботлайди. Ҳар бир туркий тилда сўзлашувчи халқларнинг буюк истеъодлари борки, улар ўз халки доирасидан келиб чикиб аллақаочон дунё китобхонларининг севимли сўз санъаткорларига айланган. Булар қаторида Озарбайжондан Низомий Ганжавий, Фузулийларни, туркмандардан Жалолиддин Румий, Юнус Эмроларни, ўзбеклардан Навоий ва Бобурларни, туркмандардан Махтумқули, уйгурлардан Зелилийни, қозоклардан Абай каби классикларни алоҳида қайд этиш мумкин. Шу билан бирга XX аср адабиётида ҳам ажойиб туркий адаблар етишиб чиқди. Нозим Ҳикмат, Рашод Нури, А.Кодирий, Чўлпон, М.Авезов, Ўлжас Сулаймон, Расул Ҳамзатов, Қайсин Қулиев каби сўз санъаткорларини жаҳон китобхонлари жуда қадрлашади.

Туркий халқлар адабиёти жаҳон адабиёти тарихининг ёрқин саҳифасини ташкил этади. Ҳамсачилик анъаналарининг ҳам бошланиши туркий халқлар билан боғлик. Тасаввуф шеърияти туркий халқларнинг алоҳида ютуғи. Гарчи проза бўйича Европа ва Америка адабиёти катта ютуқларга эришган бўлса-да, Чингиз Айтматовнинг роман ва қиссалари туркий адабиётдаги бу кемтиқ ўринни тўлғизди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, жаҳон шеърияти шуҳратини туркий поэзиясиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Туркман адабиёти

Туркман халқининг адабиёти ва маданияти, Ўрта Осиёда яшовчи қозоқ, кирғиз ва қорақалпоқ халқларининг адабиёти ва маданияти сингари фольклор шаклида ривожланди.

Туркман фольклори бу халқнинг милоддан аввалги асрлардан то ҳозиргacha бўлган ҳаёти тўғрисида маълумот берувчи асосий манбалардан биридир.

Туркман халқ ижодида эртак, ашула, қўшиқ ва достон жанрлари жуда кенг тарқалган. Ашула, қўшиқ ва эртаклар туркман фольклорида энг қадимги жанрлардан бири ҳисобланади. Кейинчалик халқ эртаклари сюжетларидан кенг фойдаланиш асосида халқ қаҳрамонлик ва ишқий-лирик достонлар юзага келди. Туркман халқ достонларининг бирор кисми шарқ мумтоз адабиёти асарлари ва диний китоблар (Масалан, «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайҳо») мазмунини камраб олган бўлса, бир кисми учун эртаклар ва ривоятларнинг сюжетлари асосий манба бўлиб хизмат килган. (Шоҳсанам ва Фарид, Зухра ва Тоҳир, Асли ва Карам).

Туркман халқ оғзаки ижодида Гўрўғли циклидаги достонлар алоҳида ўрин тутади. Ўзбек, кирғиз ва озарбайжон халқлари орасида кенг тарқалган сюжетларни туркман фольклори учун ҳам типологик ҳодиса ҳисобланганлигининг гувоҳи бўламиз.

XIV асрда туркман ёзма адабиётининг тараққиётига катта ҳисса кўшган Бурхониддин Сивосий ва Сайид Имомиддин Насимиylар яшаб ижод этдилар. Туркман адабиёти тарихини ўрганишда уларнинг ижоди салмоқли ўрин тутади. Бунинг сабаби шундаки, Хоразмда туғилиб ҳаётини кичик Осиё шаҳарларида ўтказган Сивосий ўз шеърларини биринчи бўлиб туркман тилида ёзди. У поэзияга аруз вазнини киритди. Ҳунарманд оиласда туғилиб ўсан ва ўқимишли киши бўлиб етишган Насимий

ўз асарларини Туркияning шаҳар ва қишлоқларида дарбадарлиқда ҳаёт кечирган йилларида яратди. Насимий ўзининг ўткір ҳажвий асарлари учун руҳонийлар томонидан ваҳшийларча ўлдирилди.

XVI асрда Хиндистонда ташкил топган бобурйлар давлатини идора қилишда туркман халқининг вакиллари ҳам қатнашганлар. Улар орасидан Байрамхон, Анисий, Абдураҳим сингари шоирлар ҳам етишиб чиккан эди.

Туркман мумтоз адабиёти тараққиётининг дастлабки босқичида насиҳаттўйлик мотивлари катта ўрин эгаллайди. Кейнинг даврларда Озодий, Махтумкули ва Мулло Нафас каби забардаст туркман шоирлари ижодида ҳам насиҳаттўйлик мотивлари чукур акс этган эди.

Туркман мумтоз адабиётининг тараққий этган даври XYII- XYIII асрларга тўғри келади. Чunksи бу даврда турли-туман ижтимоий воеаларни акс эттирувчи шеърий асарлар юзага келди. Шоир Шобанданинг "Шоҳ Баҳром", «Гулу Булбул», «Хўжамберди» достонлари ва кўп лирик шеърлари, Мъяруфийнинг «Сайфул мулук Мидҳал Жамол», «Юсуф ва Аҳмад», «Давлат Эр» достонлари, Шайдойининг «Қиссаи Санавбар» достони кенг халқ орасида жуда машхур.

Нурмуҳаммад Ғариф Андалиб яратган бир қанча достонлар орасида энг машхури «Лайли ва Мажнун» достонидир.

Махтумкулининг ижоди туркман мумтоз адабиётининг чўккиси ҳисобланади. Чunksи ҳаётнинг аччик-чучугини тотган, кўп сафарлар килган Махтумкули шарқ классик адабиётини чукур ўрганиб, туркман мумтоз адабиётини шаклан ва мазмунан мукаммал ғазаллар, рубоийлар, китъалар билан бойитди.

XYIII аср охири XIX аср бошларида яшаб ижод этган туркман шоирларидан Саидий, Котибий, Мискин Қилич, Байрам Шоир, Кўрмулло, Мулло Мурт ва Дурди Қиличлар туркман шеъриятининг биринчи намояндлари бўлиб қолдилар.

Қардош ўзбек, кирғиз адабиётларида бўлгани каби туркман адабиёти тараққиётининг биринчи даврида ҳам шеърият етакчи жанр бўлиб қолди. Бу вакътларда халқ шоирни Дурди Қиличнинг «Золимлар», «Камбағаллар», Мулло Муртнинг «Туркманистон учун азизсан», «Озодлик» сингари шеърий асарлари даврининг долзарб масалаларига багишланган эди.

Номлари тилга олинган халқ шоирларидан ташқари аср боши туркман адабиётига Б.Кербобоев, А.Аламишев ҳам ўзларининг шеър, достонлари билан кириб келдилар. Улар яратган «Сана» (Аламишев), «Қизлар дунёси», «Одатнинг курбони» (Б.Кербобоев) достонлари туркман поэзиясини дастлабки йирик реалистик асарлари эди.

Б.Кербобоев ва А.Дурдиевлар ўзларининг биринчи хикоя ва повестлари билан проза жанрларини, Ота Ковшотув эса «Закаспий фронти» пьесаси билан драматургия жанрини бошлаб бердилар.

Уруш арафаларида туркман насирида хикоя, қиссалар билан бирга кўпгина романлар (аксарияти тарихий мавзуда) яратилди. Бу ўринда Б.Кербобоевнинг «Дадил қадам» романини алоҳида қайд этиш лозим.

Наср соҳасида Б.Кербобоевнинг «Дадил қадам» «Небитдоғ», О.Кавшутовнинг «Копетдоғ ён бағирларида» романлари, Беки Сейтаковнинг «Ўғилнинг бағирларида» романлари, Ҳ.Исмоиловнинг «Икки отанинг ўғли» қиссалари пайдо бўлди. Бу асарлари туркман ёзувчиларнинг номини кўплаб китобхонларга танитди.

XX аср туркман адабиётида наср, шеърият ва драматургия янада юксала бориб, у замонавий ва тарихий мавзуларда ёзилган янги-янги мазмундор асарлар билан бойиди. Бу асарлар орасида Б.Кербобоевнинг «Томчида қуёш жилоси», «Давр ўғлони», Ҳ.Деряевнинг «Қисмат», «Бўрон», Б.Сейтаковнинг «Шоир», «Бадиркент», О.Отажоновнинг «Бизнинг танишлар», К.Курбонсоҳатовнинг «Тўйли мерган», Қайсин Қулиевнинг «Қора карвон», «Бўйсунмас Жазоир» романлари, Ч.Жумагелдиевнинг «Баҳс», «Оловсиз тутун», «Қалин» повестлар, Ҳ.Мухторовнинг «Бригадир», Б.Сейтаковнинг «Киз солиги», Қ.Қулиевнинг «Эҳ, эркаклар», Қ.Курбосоҳатовнинг «Сурай» драма ва комедиялари, шоирлардан Ч.Аширов, О.Отажонов, И.Нуриев, Б.Худойназаровларнинг достон ва шеърий тўпламлари турли-туман актуал масалаларни ўртага ташлаб ҳал этганилклари билан ажралиб турдилар.

Ўзбек-туркман халқларининг дўстлик ва қардошлиқ тарихи Амудай узун. Бу қардошлиқ уларнинг адабиёт ва оғзаки ижодиётида чукур из колдирган. Гўрўғли бир қанча туркман эпосларининг бош қаҳрамони бўлганидай, қирқдан ортиқ ўзбек халқ достонилари ҳам унинг мардлик олижаноблик хислатларини тасвирлашга бағишиланган «Тохир ва Зухра», «Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам» сингари пок севги тимсоллари ҳар икки халқда ҳам зўр муҳаббат ва самимият билан улуғланади. А.Навоийни Маҳтумқули устоз сифатида қадрлади, унинг гуманистик гояларини янги тарихий шароитда ривожлантириди. Ўз навбатида Маҳтумқули ижоди ҳам ўнлаб ўзбек ғазалнавислар ижодига баракали таъсир кўрсатди.

Оригинал бўёқ ва бадиий воситалар билан сайқал топган «Лайли ва Мажнун» «Юсуф ва Зулайҳо» достонларининг муаллифи Нурмуҳаммад Фарид Андалибни ҳақли равишда туркманлар ҳам, ўзбеклар ҳам ўз шоирлари деб хисоблайди. Чунки унинг ижоди ҳам икки халқ адабиётида ҳам бир хил мавқега эга.

Туркман китобхонлари хозирги вақтда Ойбекнинг «Навоий» ва «Кутлуг қон», А.Мухторнинг «Опасингиллар», Ж.Шариповнинг «Хоразм», Ш.Рашидовнинг «Бўрондан кучли» романларини, А.Қаҳхорнинг «Синчалак» киссасини, Ф.Гулом, Х.Олимжон, Зулфия, М.Бобоевларнинг шеърий асарларини ўз она тилида ўқимоқдалар.

Ўз ижодлари билан туркман адабиётига салмоқли хисса қўшган ва қўшаётган Б.Кербобоев, О.Ковшутов, Ё.Носирли, Д.Килич, Ота Солих, Н.Аннақилич, Ч.Аширов, О.Кекилов, Х.Деряев, Б.Сейтаков, Х.Мухторов ва К.Сейтли сингари туркман адилларининг асарларини ўзбек китобхонлари яхши биладилар.

Айниқса, «Дадил қадам», «Ойсултон», «Небитдоғ»(Б.Кербобоев), «Копетдоғ этагида» (О.Ковшутов), «Қисмат»(Х.Деряев), «Қора карвон» (К.Кулиев) сингари йирик насрый асарларнинг ўзбек тилига таржима қилиниши муҳим аҳамиятга эга бўлди.

МАҲТУМҚУЛИ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (1733-ХҮШ асрнинг 80 йиллари)

Туркман адабиётининг классик шоири Маҳтумқули адабиётга ҳаваси баланд оилада дунёга келади. Маҳтумқулининг бобоси ёшлигига Гўркўз номли қабилага келиб қолади ва шу ерда ишлаб қолади. Бир қанча вақт ўтгач, у ўзи мустақил дехқончилик билан шуғулланади. Маҳтумқулининг отаси Давлат Мамад Озодий шоир эди. Унинг бола-чақаси кўп бўлиб, унинг учинчи ўғли бобосининг тахаллусини олган Маҳтумқули тахминан 1733 йилда туғилади. Маҳтумқули дастлаб овул мактабида ўқиради. Бўш вақтларида пода боқади. Тўққиз ёшидан қўшиклар тўқиради. Сўнгра Хивада Шерғози мадрасасида, Идрисбобо мадрасасида таълим олади. У Бухорога бориб Кўкалтош мадрасасида ҳам таҳсил олади. Маҳтумқули заргарлик хунари билан ҳам шуғулланади.

Маҳтумқули Хива, Бухородан ташкари Озарбайжон, Эрон, Афғонистонда ҳам саёҳатда бўлади.

Маҳтумқули ҳақида баъзи ривоятлар бор. У душманларга бир неча бор асир тушиб қолади ва топқирлиги билан ўзини ва оиласини қутқариб қолади. Бу воқеага ўхшаш мазмун унинг шеърларидан бирида намоён бўлади.

Маҳтумқули ёшлигига Менгли исмли бир қизни севган, лекин қалин тўлай олмагани учун қизни бошқага сотиб юборишиди.

Шоир Оққиз исмли аёлга уйланади. У иккита ўғил кўради, бироқ улар ёшлигига ўлиб кетишиади. Унинг бошқа фарзанди бўлмайди.

Оилавий баҳтсизлик шоирнинг кўпчилик шеърларида акс этган. Шоир ХҮШ асрнинг 80 йилларида вафот этади. Шоир ўлимидан олдин ўзини корли тоғлар кўринадиган жойга олиб чиқишиларини илтимос қилган ва у ерда ҳаётнинг фонийлиги ҳақида шеър ўқиган.

Маҳтумқулининг қабри Атрек билан Сангги тоғ оралигидадир. Шоир отаси Озодий ёнига кўмилган.

Шоир шеърлари тахминан 16-17 минг мисрадан иборат. У қўшиклардан ташкари ғазаллар ҳам ёзган. Шарқ шеърияти анъанасига кўра мисраларнинг сўнгига шоирнинг номи учрайди. Баъзи шеърларда Фироғий тахаллуси ҳам бор.

Махтумқули шеъриятининг мавзулари анча кенг. Уни қуйидагича гурухлаш мумкин:

1. Қаҳрамонлик мавзуси.
2. Ахлоқий-таълимий.
3. Табиат манзараси (Пейзаж лирикаси)
4. Ишқий шеърлар.

Бундан ташқари қадимий ривоят ва афсоналарга асосланган сюжетли қўшиқлар ҳам мавжуд. Туркман қабилалари ўртасидаги таркоқликка барҳам бериш, бирлашишга чақириқ унинг ижодида асосий ўрин тутади.

БЕРДИ КЕРБОБОЕВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (1927-1974)

Туркман халқининг ардокли фарзанди, истеъододли адид Б.Кербобоев ўзининг самарали ижоди билан туркман адабиётида янги саҳифа очди. У серкирра ижодкор сифатида адабиётнинг барча жанрларида самарали ижод қилди. XX аср туркман адабиётида ҳар бир адабий жанрнинг хоҳ проза, хоҳ поэзия, драматургия бўлсин барчаси Б.Кербобоев номи алоҳида тилга олинади. Туркман халқи уни эркалаб «Берди оға» деб аташади. У шоир сифатида китобхонларга ўнлаб тўпламларни «Қизлар дунёси», «Одатнинг курбони», «Амударё», «Туркманистон» достонларини тақдим этди. Унинг каламига мансуб «Дадил қадам», «Небитдоғ», «Давр ўғлони» романлари ҳамда «Ойсултон» киссаси насрда катта муваффакият келтирган асарлар каторига киради. Бундан ташқари Б.Кербобоев моҳир драматургдир. У «Маҳтумқули», «Ватан ўғли», «Курбондурди» ва бошқа пьесаларини ёзиб туркман драматургияси тараққиётiga катта хисса қўшиди.

Б.Кербобоев 1894 йилда Ашхобод вилоятининг ҳозирги Тажан районига қарашли Омоншакапан овулида дехқон, чорвадор оиласида туғилди. У аввал овул мактабида, кейин Тажан мадрасасида ўқиди. Кейинчалик ярим йилча Бухоро мадрасаларидан бирида таҳсил кўради. Мазкур ўкув даргоҳларида диний билимлардан ташқари дунёвий билимларни ўқиди, шарқ классикларининг асарларини, халқ оғзаки ижодини севиб ўрганди, форс ва араб тилларини пухта ўзлаштириди. Б.Кербобоев ўқишини тамомлагач, жуда кўплаб оғир юмушларни бажарди. Ҳатто ўз ихтиёри билан Закаспий фронтида жангларда қатнашди. Бу орада чор хукumatнинг турмасида ҳам ўтириб чиқди. Инқиlobдан кейин Б.Кербобоев аввал маориф соҳасида, сўнг собиқ «Совет Туркманистони» газетасида ишлайди. Редакцияда ишлаб юрган йиллардан унинг журналист ва ёзувчи сифатидаги фаолияти бошланади. 1924 йилда Б.Кербобоевнинг асари биринчи марта матбуотда ёълон килинди. Бу «Яна ич» деган ҳажвий шеър эди.

1927 йилда Б.Кербобоев Ленинграднинг Шарқшунослик институтига ўқишига кирди. Саломатлиги туфайли ўқишини тугалламаган бўлса-да, институтда ўтказилган фурсат унга кўп нарса берди. Б.Кербобоев 81 ёшда 1974 йилда вафот этди. Бироқ, у умрининг сўнгги дамларигача навқирон ўигитларга хос ғайрат билан яшаб ижод этди.

Б.Кербобоев ажойиб тарихий романлар устасидир. Ана шундай романлардан энг машҳури «Дадил қадам» романидир. Бу асар 1947 йилда Давлат мукофотига сазовор бўлди. «Дадил қадам» романи рус тилига, қардош халқлар, ажнабий тилларга тез орада таржима қилинди. Бу тасодиф эмас эди, чунки «Дадил қадам» тарихий романчиликнинг энг яхши анъаналарини ижобий давом эттириш асосида яратилди. 30 йилларнинг охири козоқ адабиётида «Абай», «Бўйтакўз», тожик адабиётида «Куллар», ўзбек адабиётида «Қутлуғ кон» каби йирик эпик асарлар пайдо бўлди. «Дадил қадам» романи мана шу эпопеялар силсиласида ўзига хос мунособ ўрин тутади. Б.Кербобоев ва унинг романи тўғрисида ёзган кўпгина танқидчилар «Дадил қадам»ни туркман адабиётининг «Тинч Дон»и деб аташади. Дарҳакиат, «Дадил қадам» билан Шолоховнинг «Тинч Дон» ўртасида ўхшашлик бор. Бу айниқса бош қаҳрамонлар тақдирининг умумийлигига кўринади.

Б.Кербобоевнинг кейинги романи «Небитдоғ» деб номланди. Ёзувчи мазкур асарни туркман нефтчилирига бағишлайди. Кўз ўнгимизда нефть қазувчиларнинг мاشаққатли меҳнати, шижоатли қиёфаси ва шу билан бирга маънавий баркамоллиги тўла-тўқис намоён бўлди. Ёзувчининг сўнгги

йирик асари «Қайгусиз Отабоев» романидир. Мазкур роман узок йиллар Туркманистан хукуматига раис бўлиб ишлаган Қайгусиз Отабоевнинг порлоқ хотирасига бағишиланади.

Б.Кербобоев бадий таржима соҳасида ҳам туркман китобхонларига жаҳон адабиётининг йирик намуналари билан таниширишда қаттиқ меҳнат қилди. Бундан ташқари таржима жараёни Б.Кербобоев учун маҳорат тилсимотларини очишга калит бўлди.

Б. Кербобоев Лев Толстойнинг ҳикоя ва қиссаларини, М.Шолоховнинг «Тинч Дон» эпопеясини, М.Горькийнинг «Она» романини ва яна кўплаб асарларни туркман тилига таржима қилди.

Б.Кербобоев истеъодли адид бўлиш билан бирга йирик жамоат арбоби эди. У узок йиллар Туркманистан ёзувчилари союзига раҳбарлик қилди. У ҳалқ ноиби, академик олим сифатида туркман адабиётининг муҳим проблемаларини, классик адабиёт масалаларини ҳал қилишга кўп меҳнат сарф қилди.

Қирғиз адабиёти

Қирғиз халқининг маданияти ва адабиёти ҳалқ оғзаки ижоди шаклида ривожланди. Бизгача етиб келган ҳалқ ашула ва қўшиклари, макол, эртак ва достонларидан қирғиз халқининг узок асрлар давомидаги қўчманчи чорвачилик ҳаёти уларни ўз хўжайинларига қарши олиб борган курашлари ҳакконий акс эттирилган. Фольклор асарларида қирғиз халқининг меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва адолатпарварлик гояларини ифодаловчи жуда кўп қўшиклар, эртаклар, достонлар мавжуд. Бу асарларнинг яратувчилари ва ижро этувчилари меҳнаткаш ҳалқдир. Шунинг учун кўпинча ҳалқ ҳаётига оид турли-туман маросимлар, чорвачилик, дехқончилик билан боғлик воқеалар, ниҳоят камбағаллар билан бойлар ўртасидаги кескин синфий тўқнашувлар ўз аксини топган. Қирғиз фольклорида муҳаббат қўшикларидан ташқари ҳажвий қўшиклар ҳам кўп учрайди. Уларда хукмрон доираларнинг ҳалққа ўтказган зулми, хасислиги, ҳийла-найранглари танқид қилинган. Қирғиз ҳалқи эртакларининг қўпчилигида, қизиқарли сюжет ва реалистик воқеалар билан афсонавий воқеалар аралаш ҳолда ҳикоя қилинади. Кўпгина қирғиз ҳажвий эртакларида бош қаҳрамон ролида ҳалқ орасидан чиқкан доно Кўса ва кал образи гавдаланади. Бундай ҳажвий эртаклар орасида Алдарқўса номи билан боғлик бўлган эртаклар ўзларининг гоявий ўтиклиги ва бадиийлиги билан ажralиб туради.

Қирғиз ҳалқ оғзаки ижодида ҳалқ қаҳрамонлик достонлари, айникса, машхур. Асрлардан бери оғиздан-оғизга ўтиб, бизгача етиб келган «Кўрман ек», «Эртобилди», «Эртуштук», «Жонил Мирзо» каби ҳалқ қаҳрамонлик достонлари орасида шубҳасиз, «Манас» достони ўзига хос муносиб ўрин эгаллайди.

Ҳажми ниҳоятда катта бўлган бу достон бошдан-оёқ шеърий йўл билан яратилган бўлиб, тахминан 500 минг байтдан иборат.

30-йилларда қирғиз ёзувчиларининг бир қанча шеърий, насрый ва драматик асарларида қирғиз халқининг ўтмиш тарихидан олинган муҳим воқеалар ҳам ўз аксини топди. Ана шундай воқеалардан бири Ўрта Осиё ҳалқлари ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган 1916 йил қўзғолони воқеаси эди. М.Элибоев «Узок йўл», А.Тўкумбоевнинг «Қонли йиллар» музикали драмаларини қирғиз ёзувчиларининг қўзғолон воқеаларида бағишиланган йирик асарларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Урушдан сўнгти йилларда қирғиз шоирлари қайта-қайта қалам тебратган мавзуларидан бири ҳалқлар дўстлиги мавзусидир. Масалан, Қирғизистон шоири А.Тўкумбоев «Ўз қўзим билан» достонида турли миллат ҳалқлари ўртасида дўстлик гоясини кенг планда тараннум этган. Бу достон кўп хусусиятлари билан атоқли рус шоири А.Твардовскийнинг «Муравия мамлакатлари», тожик шоири М.Миршакарнинг «Олтин қишлоқ» достонларига яқин туради.

Урушдан кейинги 10-15 йил ичиди қирғиз поэзиясига Р.Шукурбеков, С.Эралиев, Савронбой Жусиев, М.Жонғозиев каби ёш қаламкашлар ўзларининг оригинал шеърий тўпламлари ва достонлари билан дадил кириб келди. Н.Бойтемиров наср ва драматургия соҳасида ижод қилиш билан бирга шеъриятда ҳам дадил қалам тебратди, гоявий- бадиий етук достонлар, балладалар ва фалсафий лирик шеърлар ёзди.

20-30-йилларда кирғиз адабиётининг умумий тараққиётидан орқада қолған проза жанри 50-йилларга келиб бирмунча тарақкый этди, янги-янги хикоя, қисса, очерк ва романлар билан бойиди. Урушдан сүнгти давр кирғиз адабиётида роман жанрини ривожлантиришда кекса авлод вакили Т.Сиддекбеков билан бир қаторда ёш носирлардан Н.Бойтемиров ва Ч.Айтматовларнинг хизмати катта бўлди.

Талантли адид Ч.Айтматов ўзининг сүнгги йилларда эълон қилинган хикоя, роман ва повестлари билан кирғиз насли савиясини бир погона юкорига кўтарди. «Оқ ёмғир», «Ракиблар», «Қизил олма» хикояларида ҳам, «Жамила», «Бўяткўз», «Биринчи муаллим», «Сарвикомат дилбарим», «Юзма-юз», «Сомон йўли» қиссаларида ҳам у кўпроқ замонавий мавзуларда қалам тебратди. Ч.Айтматов асарларининг асосий қаҳрамонлари – оддий кишиларнинг типик вакилларидир. Ёзувчи ана шу оддий кишиларнинг инсоний фазилатларини, бой ва мураккаб ички дунёси, ўзига хос хулқ-автори ва юриштуришини ҳаққоний чизади.

Жаҳон урушининг сүнгги йилларида кирғиз драматургияси ҳам тарақкый этди. Драматургия соҳасида кирғиз ёзувчиларидан Т.Абдумўминов баракали ижод қилди. Унинг саҳна асарлари орасида «Тор дара» ва «Қумлоқ адир» пьесалари ажralиб турди. Биринчи асарда бюрократизм, лаганбардорлик ва иккисизламачилик фош этилса, иккинчисида кирғиз геологларининг ҳаёти ва меҳнати акс эттирилган. К.Маликовнинг «Баланд ерда», К.Жонтошевнинг «Курманбек» пьесалари ҳам кирғиз театрлари репертуарларидан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Тўхтагул Сотилғонов (1864-1933)

Кирғиз халқининг улуғ окини ва бастакори Тўхтагул Сотилғон ўғли 1864 йилда дунёга келди. Ёшлик чоғларидан бошлаб кўбиз чертиб, халқ қўшиқ ва достонларини айтишни машқ қилган Тўхтагул секин-аста ўзи ҳам жир айтадиган, оригинал куйлар басталайдиган бўлди. «Қизларга», «Алимхон» каби лирик шеърлар билан бир қаторда «Эшон ҳалфа» сингари ҳажвий шеърлар яратиб, уларда мутаассиб руҳонийларни фош этди. «Қашшоқ» сарлавҳали ва шу каби шеърларида камбағал дехқон образини яратишга муваффақ бўлди.

Ана шундай халқпарварлик фаолияти учун Тўхтагул тухмат билан қамоққа олинниб, Сибирга сургун қилинди. Олти йилдан кейингина Круго-Бойқол темир ўйл курилишига ишга юборилди. У рус мухожирлари ёрдами билансургундан қочиб кўп дарбадарликдан сўнг, 1910 йилда ўз юртига қайтиб келди. Бироқ яна қамоққа олинди бу сафар униортдошлари кафилликка олдилар.

Тўхтагул Сибирда ўз бошидан кечирган мудҳиш воқеаларни «Тутқуннинг жири», «Қувғинди», «Эшмамбет билан учрашув» жирларида жуда яхши тасвиirlаб берди. Унинг ижоди кирғиз адабиётининг тараққиётида чукур из қолдири.

Тўхтагул Сотилғанов 1933 йилда вафот этган.
1964 йилда Тўхтагулнинг «Согиниб келдим» тўплами ўзбек тилида босилиб чиқди.

Аали Тўқумбоев (1904-1988)

Атоқли кирғиз ёзувчиси, Қирғизистон республикаси халқ шоири, Республика Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси Аали Тўқумбоев Қирғизистоннинг Чон Кемин овулида (хозирги Камин райони) дехқон оиласида туғилди. Аввал эски мактабларда ўқиди. Кейинчалик, 1927 йилда Ўрта Осиё университетини битирди.

А.Тўқумбоев ижоди 1924 йилда бошланди. Қирғиз ёзма адабиётининг туғилиши ва шаклланиши унинг номи билан чамбарчас боғланган. Ўз ижодининг дастлабки босқичида Чалкар (Ар), Болка (Болға) тахаллуслари билан ҳажвий шеърлар ёзган Аали Тўқумбоев маҳаллий ноинсоф бойларни фош қилди, янги хаётни, маърифат ва эркни куйлади. 1929 йилда босилиб чиқкан «Аёл ойнаси» асарида у хотин-қизлар озодлиги, эрки, хуқуки мавзуида қалам тебратди. Ўттизинчи йилларда А.Тўқумбоев «Мехнат гуллари» (1932), «Атака» (1932), «Биринчи шеърлар» (1933), «Тутқун Марат» (1935) достонларини ёди.

А.Тўқумбоев кирғиз адабиётида роман, қисса, достон, баллада ва фалсафий лириканинг энг яхши намуналарини яратди. Унинг «Яраланган қалб» қиссаси шулар жумласидандир.

Уруш йилларида А.Тұқумбоев «Жангчиман», «Қасос оламиз», «Олға» шеърларини, «Манас ватандоши» (1941), «Йигирма саккизлар ҳақида» (1944), «Оқ йүл» (1944) достонларини яратди, күпгина оммабоп мәқолалар ёзди.

Урушдан сүнгги чорак аср мобайнида унинг «Тонг олдиді» шеърий романи, ўнлаб шеърий түплам ва достонлари босилиб чиқди. Улар орасыда «Менинг Қирғизистоним», «Менинг юлдузим» китоблари ажралиб туради.

Драматург А.Тұқумбоевнинг «Үрмон ҳокими» (1942), «Қасос» (1943) номли асарларыда ватанпарварлык фоялари тараннум этилди.

А.Тұқумбоев танқидчи ва таржимон сифатида ҳам қирғиз адабиети таракқиетига катта хисса күшган. Ушбу хизматлари учун ёзувчи 1974 йилда Мекнат қаҳрамони унвони билан тақдирланған.

Чингиз Айтматов ҳаёти ва ижоди

(1928)

Ч.Айтматов жаҳон адабиетида ўзига хос обрў-эътиборгша эга истеъдодли ёзувчидир. У қирғиз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб ва бойитиб ўзидан олдинги шоир ва ёзувчиларгаа ўрнак бўларли даражада қирғиз адабиетида алоҳида мактаб яратди. Жаҳон адабиети тарихида Ч.Айтматовдек киска муддат ичидаги ўз асарлари билан дунёдаги миллионлаб китобхонларни мафтун қилолган ёзувчилар камдан-кам топилади. Унинг биринчи асари 1950 йилда босилган эди. Орадан 6 йил ўтиб унинг асарлари Европада шуҳрат козонди. Яна 5-бийл ўтгач, Айтматв асарларини жаҳондаги 50 дан ортик мамлакатнинг китобхонлари ўз она тилида ўқий бошлиди. Айтматов ижоди қирғиз адабиётини янги боскичга кўтарди, унинг реализмига чукур замонавий рух багишлади. Айтматов жаҳон адабиети тарихида янги саҳифа очди.

Ч.Айтматов насрнинг ҳар бир жанрида самарали ижод қилди. Соң жиҳатдан кам, мазмун ва бадиият жиҳатдан юкори савиядаги насррий асарларни яратди. Айтматовнинг биринчи бадиий асари «Газетафуруш Дзюдо» ҳикояси эди. Кейинчалик унинг бирин-кетин «Хошим», «Сепоячи», «Оқ ёмғир», «Бўтакўз», «Байдамтол дарёсида», «Оғир кечик» ҳамда «Юзма-юз» ҳикоялари майдонга келди. Айтматов янги куч янги шижаот билан изланишда давом этиб «Сарвиқомат дилбарим», «Жамила», «Биринчи ўқитувчи», «Момо ер», «Алвидо Гулсари», «Оқ кема», «Денгиз соҳили бўйлаб чопаётган олапар», «Эрта келган турналар» каби ажойиб қиссаларни ёзди. Айниқса, унинг адабий меросидаги «Асрға татигулик кун», «Қиёмат» романлари сўз санъатининг кимматли дурданалари сифатида ҳар бир китобхон учун қадрлидир.

Ч.Айтматов 1928 йил 12 декабрда Қирғизистоннинг Талас водийсидаги Шакар овулида туғилди. Унинг ота-оналари ўз даврининг ўқимиши оқил инсонлари эди. Ч.Айтматов аввал рус-тузем мактабида, сўнг қирғиз мактабида ўкишни давом эттириди. Уруш даврида Шакар қишлоқ кенгашида котиблик қилди, тракторчилар бригадасида ҳисобчи бўлди. Уруш тугагач, Авлиётотдаги «Зооветеренация» техникумida ўқиди. Қирғизистон қишлоқ хўжалик институтини тутатиб, 1956 йилгача зоотехник бўлиб ишлади. Ч.Айтматов 1956-58 йилларда ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиётчилар курсида таҳсил кўрди. Ч.Айтматов қалбини сеҳраган, тафаккурини эгаллаган соҳа ветеринария эмас, сўз санъати бўлиб чиқди. Ёзувчи бадиий ижодни мутассил ва узлуксиз равишда давлат ва жамоат ишлари билан кўшиб олиб бормоқда. У турли йиллар давомида Қирғизистондаги етакчи адабий журнал «Литературнўй Қирғизстан»нинг бош мухаррири, «Правда» газетасининг республикадаги мухбири, Қирғизистон кинематографчилар уюшмаси бошқарувининг раиси бўлиб ишлади. У жумхурият киноси ривожига ҳам катта хисса кўшди. Қирғиз кино санъати ҳам худди бадиий адабиёт каби Айтматов асарларининг экранлаштириши мисолида жаҳон миқёсига чиқди.

Адаб Қирғизистон ёзувчилар уюшмасига раҳбарлик қилди. Халқаро адабий жараён равнақида катта мавқега эга «Иностранный литература» журнали ҳайъатини бошқарди. Халқаро миқёсдаги санъаткор ва ёзувчиларни бирлаштирган «Иссиккўл анжумани»ни ташкил этди.

Чингиз Айтматовга кенг миқёсда шуҳрат олиб келган асар «Жамила» хиккяси бўлди. Асар 1958 йилда босилиб чиқди ва дарҳол китобхонлар оммасининг ҳам, адабий жамоатчиликни ҳам дикқатини жалб қилди. Орадан кўп ўтмай «Жамила»ни француз тилига машҳур ёзувчи Луи

Арагон таржима қилди. Луи Арагон «Жамила» ҳакида ёзган мақоласида асарга юксак баҳо беради ва умумжахон адабиётидаги муҳаббат ҳакида ёзилган классик асарлар биланбир қаторга қўяди. «Жамила» қиссасида ёзувчи инсон ҳәётининг энг муҳим масалаларини - муҳаббат ва эрк масаласини кўтаради. Муҳими шундаки, асарда муҳаббат тор кўламда – фақат эркак ва аёлнинг муносабатлари тарзида ёритилмайди, балки инсон ҳәётининг маъносини ташкил қилувчи, унинг калб гўзаллигини белгиловчи муҳим омил сифатида кўрсатилгани.

1980 йилда Ч.Айтматовнинг «Асрга татигулик кун» асари эълон қилинди. Бу муаллифнинг биринчи романи эди. роман аввал «Новўй мир» журналида эълон қилинди. Сўнгра Фрунзеда босилиб чиқди. 1981 йил Москвада «Молодая гвардия» нашриётида у «Буронли бекат» номи биллан чоп этилди. Роман эълон қилингандан кейин кўп ўтмай кўпгинатакризлар босилди. Уларнинг ҳаммасида ҳам яқдиллик билан роман ҳозирги адабиётнинг энг бақувват асарларидан бири сифатида баҳоланди. Адаб асарга ёзган сўзбошисида бу ҳақда шундай дейди. «Маълумки, меҳнатга муҳаббат инсон кадр-қимматини белгиловчи зарурий меъёрлардан биридир. Шу маънода Едигей Жонгелди чин маънода ҳақиқий меҳнаткашдир. Замин шундайлар туфайли баркарордир. У ўз даври билан мустахкам боғланган деб ўйлайман. Унинг моҳияти шундаки, у ўз даврининг фарзанди.

Шунинг учун ҳам романда тилга олинган муаммоларга мурожаат этар эканман, кечаги жангчининг, бутунги темир йўл ишчисининг тақдирни орқали дунёни кўриш мен учун муҳим эди. Мен кўлимдан келганича шунга интилдим.» Роман китобхонларнинг қалбини ларзага солади, уни инсоният тақдирни учун ўзи ҳам масъул эканини ўйлашга ундаиди.

«Асрга таигулик кун» романини Чингиз Айтматов ижодининг гултожи дейиш мумкин. Чингиз Айтматов ҳозирга қадар саккизта кисса ва икки роман яратди. Буларнинг ҳаммаси ҳам ҳажман кичик асарлардир. Бироқ бу асарлар бадиий адабиётда гап ҳажмда эмас, ёзувчининг маҳоратида эканини яна бир бор исбот қилди. чингиз Айтматов асарлари туркий халқлар насирида янги саҳифа очди. Улarda ифодаланган гуманистик ғоялар, маънавий дунёси гўзал инсон шарафига ўқилган ҳаяжонли мадҳия сифатида бу асарларни миллионлаб одамларнинг севимли китобига айлантириди.

Эзгуликнинг йўли текис ва осон бўлиши мумкин эмас. У доимо аёвсиз курашлар силсиласининг натижаси сифатида намоён бўлиши ва бунинг устига доим ғолиб бўлавермаслиги мумккин. Унинг мағлубиятидаги ғалабани кўрсатиш, уни умидсизликдан халос этиш. Ўзига ва ҳаётга ишончини мустахкамлаш санъат ва адабиётнинг бурчидир. Ч.Айтматовнинг ана шундай романларидан бири «Қиёмат» романидир.

Ч.Айтматов «Қиёмат» романида шўро турмуш тарзини кўкларга кўтарган жамият тараққиётининг сўнгги босқичидаги ана шу жараёнларни бадиий акс эттиради. Тўғри, Айтматов жамиятни буткул қиёмат дегани йўқ ва бундай дейиш ҳам мумкин эмас эди, албатта. Адаб жамиятдаги қиёматга мойил ва ўхшаш ҳодиса-вокеаларни, тақдирларни гавдалантиради.

Маълумки, диний маълумотдаги қиёматга кўра ёмонлар ўз қилмишларга яраша жазога, яхшилар эса ўз эзгуликларига муносиб ажрга ноил бўладилар. Ч.Айтматовнинг «Қиёмат» романида эса эзгулик ва олижанобликнинг, яхшилик ва тўғриликнинг,adolat ва ҳақгўйликнинг қиёмат-коим даражасига тушаётган ҳолатлари табиат ва жамият, инсон ва иймон муаммоларини акс эттириш орқали кўрсатилади.

Қозоқ адабиёти

Қозоқ ҳалқи кўп асрлик тарих ва миллий маданиятга эга. Қозоқ ёзма адабиёти анча кеч шаклланди. XIX асрдагача қозоқларда адабиёт асосан ҳалқ оғзаки ижоди шаклида ривожланди. Қадим замонлардан бери оғиздан-оғизга кўчиб келган ҳалқ мақоллари, ашула ва қўшиқлар, эртак ва достонларда қозоқ меҳнаткашларининг оғир аҳволи, озодлик учун олиб борилган курашлари акс эттирилган. Қозоқ ҳалқ қўшиқлари, эртак ва достонлари турли-туман мавзуларни камраб олган.

Уларда қозок мазлума аёлларининг оху фифони, халқ қўзголончиларининг мардлик-шижоати ҳам, тадбиркор, доно Алдарқўсанинг мароқли саргузаштлари ҳам Қўбланди ботир, Эртарғин ва Қамбар ботир сингари халқ баҳодирларининг қаҳрамонликлари ҳам ўз аксини топган.

Қозок халқ оғзаки ижодида қаҳрамонлик достонлари салмокли ўрин тутади. «Қўбланди ботир», «Эртарғин», «Қамбар ботир» достонларида қаҳрамонлик, дўстлик ҳамда ватанпарварлик гоялари романтик бўёкларда акс эттирилган. Шу жихатдан қозок халқ қаҳрамонлик достонлари машхур ўзбек қаҳрамонлик достони «Алпомиш»га жуда яқин туради.

Қозок фольклорида «Қизжибек», «Қўзи кўрпеш ва Баян сулув», «Сулувашаш» сингари ишқий-лирик достонлар ҳам жуда кўп. Бу достонларда пок инсоний муҳаббат тараннум қилиниб, феодализм жамиятининг ярамас томонлари очиб ташланади. Масалан, «Қўзи кўрпеш ва Баян сулув» достонида тасвиirlанишича, ошиқ ва маъшукъанинг чин инсоний муҳаббатига Баян сулувнинг бой хонадондан, Қўзи кўрпешнинг эса камбағал оиласдан бўлгандилиги тўқсиналиқ қиласди. Ишқ-муҳаббат воқеаларининг фожиали яқунланишини «Сулувашаш», «Қизжибек», «Биржон ва Сора» достонларида ҳам кўриш мумкин. Шунга қарамай, бу ишқий-лирик достонларда адолатпарварлик, инсонпарварлик гоялари етакчи роль ўйнайди. Чунки Қўзи кўрпеш ҳам, Баян сулув ҳам, Сулувашаш ва Олтой ҳам, Қизжибек ҳам ўз мақсадларига эришиш йўлида кураш олиб борадилар.

ХҮІІ-ХІХ асрларда қозок халқ оғзаки ижодида достончилик айниқса ривожланди. Асрлар бўйи оғиздан оғизга кўчиб келган халқ қаҳрамонлик достонларини айтиш билан бирга ўзлари ҳам оригинал достонлар яратадиган кўплаб халқ оқинлари, жировлари етишиб чиқдилар. Булардан Бухор жиров, Нисанбой, Дўсҳўжа, Махамбет Утемисов ва Холибой Мамбетовларни кўрсатиш мумкин. Бу оқин ва жировлар ўзлари яшаган замонадаги турли-туман ижтимоий воқеалар ҳакида достон тўкиб куйладилар. Бу оқинлар меҳнаткаш халқ манфаатини куйловчи халқпарвар ижодкор эдилар.

Махамбат Утемисов халқ қўзголонининг фаол иштирокчиларидан эди. У ўз асарларида ҳам озодлик ва мустақиллик учун курашга қўзгалган меҳнаткаш омманинг ажойиб фазилатларини куйлади. Айниқса, унинг «Исатой Тайманов» достонида яратилган Исатой Тайманов образи дикқатга сазовор. Утемисовнинг тасвирича, Исатой халқ озодлиги учун мардларча курашган ва шу йўлда халок бўлган халқ қаҳрамонидир.

Қозокларда халқ қаҳрамонлик достонларини ижро этувчи оқинлар ўртасида тез-тез айтишувлар бўлиб турган. Шундай ижодий айтишувлар вактида ҳар бир оқиннинг шоирлик ва ижрочилик маҳорати намойиш қилинган Машхур оқин Биржон сол билан оқиналардан Сора ва Суюмбой билан Кунекей ўртасида бўлиб ўтган айтишувларда хотин-киз шоираларнинг зўр маҳорати тингловчиларни мафтун килган.

Ўзининг зўр ижрочилик маҳорати ва кенг дунёқарashi билан шуҳрат қозонган қозок оқинларидан бири Жамбул Жабаев эди. У Жамбул тоғи этагида камбағал оиласда дунёга келди. Ёшлиқдан шеъриятга қизиқсан, кўшиклар тўқиган Жамбул анча мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Ўз устози Суюмбой тарбиясини олгандан сўнг унинг ўланларида халқ ҳаётини куйлаш, ҳақиқат учун курашиш иштиёқи кучайди. Халқнинг аянчли аҳволини тўғри акс эттирувчи «Камбағалнинг шўри» шеъри, бойларни танқид қилувчи «Шалтабойга», «Мирзобек волостининг бошлиғига» ва айниқса «Қодирбойнинг ити» номли асарлари тез орада Жамбулнинг шоирлик шуҳратини бутун қозок чўлига ёйди.

Қозок халқ оғзаки ижоди XIX асрнинг бошларига келиб шаклланган қозок ёзма адабиёти учун замин бўлди. Ёзма адабиётнинг шаклланиш жараёни Қозогистоннинг Россия томонидан босиб олиниши даврига тўғри келди.

Қозок классики адабиётининг асосчилари Чўқон Валихонов, Иброй Олтинсарин ва Абай Кўнинбоев маърифатли кишилар эдилар.

Ч.Валихонов кўп саёҳат қилди, илмий экспедицияларда юрди. У Қозогистонни, қўшни Қашқар ўлкасини ўрганишга оид бир қанча илмий асарлар яратди. Ч.Валихоновнинг фольклорист ва публицист ёзувчилик фаолияти ҳам катта аҳамиятга эга. У ўтган аср маърифатпарварлари орасида қозок ва қирғиз халқ оғзаки ижоди асарларини, жумладан, «Манас» достонидан айrim парчаларни ёзib олган биринчи ташаббускор олим эди. Ч.Валихоновнинг бир талай публицистик мақолалари ва

очерклари қозоқ классик адабиётида бадий наср жанрининг дастлабки намуналари сифатида ҳам дикқатга сазовор.

Ч.Валихоновнинг замондоши Иброй Олтинсарин ўзининг шоирлик ва маърифатпарварлик фаолиятини болаларни ўқитиш иши билан боғлаб олиб борди. Умр бўйи ўқитувчилик касби билан шуғулланган Иброй Олтинсарин болаларни янги усулда тарбиялашга алоҳида эътибор берди. У мактаб болаларини рус адабиёти билан таништириш мақсадида рус тилидан таржималар қилди, адабиёт хрестоматиясини яратди. Ўзи ҳам шеърлар ёзисб, болаларни ўқишига, илм олишга даъват қилди.

Қозоқ классик адабиётининг отаси Абай Қўёнбоев ўз шеърий ва насрый ижоди ҳамда маърифатпарварлик фаолияти билан қозоқ адабиёти тараққиётига ўз улушини кўшди. У бой хонадонда туғилиб вояга етишига қарамай, илғор ғоялар таъсири остида ҳалқ манфаатини куйловчи асарлар яратган атоқли шоир ва маърифатпарвар даражасига кўтарила олди.

Қозоқ маърифатпарварлари Ч.Валихонов, И.Олтинсарин ва А.Қўёнбоевларнинг ижоди, шубҳасиз, XIX аср қозоқ адабиётида янги катта воқеа эди. Улар ўзларининг ажойиб реалистик ижодлари билан қозоқ классик адабиётини юқори погонага кўтардилар.

Қозоқ шўро адабиётининг илк боскичида ёзувчилардан И.Кубеев, С.Торайиров, С.Донентаев, И.Жонсуғуров, С.Сайфуллинларнинг хизмати катта. Адабиётда наср, шеърият, драматургия жанрларини тараққий эттиришга ўз ижодлари билан катта ҳисса кўшган қозоқ ёзувчиларидан Мухтор Аvezov, Собит Муқонов, Габит Мусрепов, Габидин Мустафин, Тоир Жароков, Абдулла Тожибоев, Фали Ўрмонов кабиларнинг номлари бошқа ҳалкларда ҳам маълум.

30-40-йилларга келиб қозоқ адабиётида қиссачиликни ривожлантиришга бўлган уринишлар яхши натижа берди. Собит Муқоновнинг «Ок айик», Тоир Жораковнинг «Пўлат қуювчи», «Оқим», Абдулла Тожибоевнинг «Курмонгози», «Болалик», «Жамбул» достонлари меҳнат кишиларинеңнг хаётидаги ўзгаришларни тасвирлашга багишиланган.

1941-45 йиллардаги уруш қозоқ шеъриятида ҳам акс этди. Бу даврда Қосим Омонжолов, Холижон Бекхожин, Сирбай Мавленов ва Жумағали Сайн сингари ёшлар адабиётга кириб келди.

Урушдан сўнгги даврда наср етакчи жанрга айланган бўлса, шеърият ҳам адабиётнинг умумий тараққиётидан кейинда қолмади. Х.Эргалиев, Х.Бекхожин, Д.Абиловларнинг замонавий мавзуларда яратган поэмалари Тоир Жораков сингари забардаст шоирлар яратган асарлар қаторидан муносиб ўрин эгаллади. Романчилик соҳасида эса И.Кубеев, М.Аvezov, С.Муқонов, F. Мусрепов ва F.Мустафинларнинг ижодини таъкидлаш мумкин.

Ўз ижодини шеър ёзишдан бошлаган С.Муқонов 30-йилларга келиб насрый асарлар ёзишга киришди. Унинг ўнлаб насрый асарлари орасида «Темиртас», «Бўтакўз», «Ҳаёт мактаби», «Чўлок полвон» каби қисса ва романлари алоҳида ажralиб туради. С.Муқоновнинг бу асарлари тарихий ва замонавий мавзуларда ёзилган.

Қозоқ насли тараққиётида Габиден Мустафин билан Габид Мусреповнинг ижоди ҳам салмоқли ўрин тутади. Чунки бу икки ёзувчи ижодида қозоқ ҳалқи ҳаётининг проза асарларида етарли ёритилмаган кўпгина муҳим томонлари реалистик акс эттирилган.

Ижодий фаолияти газета ва журналлар билан ҳамкорлик қилишдан бошланган Габиден Мустафин адабиёт майдонига ўзининг бир қанча ҳикоялари билан кириб келди. Унинг биринчи йирик насрый асари – «Ҳаёт ёки мамот» романи бир қадар автобиографик хусусиятга эга. Унда ёзувчи қозоқ ишчилар синфининг шаклланиши ва ривожланиши каби муҳим мавзуда қалам тебратган.

F.Мустафин «Шиганак Берсиев» номли романida бутунлай янги мавзуни кўтариб чиқади. Унда машҳур қозоқ олим селекционери образини яратади.

Қозоқ адабиётида драматургия ҳам янги жанр ҳисобланади. М.Аvezov ва С.Сайфуллинларнинг «Энлик-Кебек», «Қизил бургутлар» пьесалари билан бошланган қозоқ шўро драматургияси кирқ йилдан кўпроқ вақт ичидаги саҳна асарлари билан бойиди. Бу асарларнинг биринчи гуруҳи ҳалқ ишқий қаҳрамонлик достонлари сюжети асосида ёзилган «Қизжибек», «Қўзи кўрпеш ва Баян сулув», «Жомор гилами», «Биржон ва Сора» пьесаларидан иборат бўлса, иккинчи гуруҳини тарихий-биографик мазмундаги «Абай», «Тунги сарин», «Омонгелди» драмалари ва учинчи гуруҳини

замонавий мавзулардан баҳс этувчи «Чегарада», «Номус гвардияси», «Ялангоч қилич», «Якка дарахт ўрмон эмас», «Майра» пьесалари ташкил қиласди.

Сўнгги йилларда қозоқ кинодраматурияси ҳам жиддий ютуқларни кўлга киритди. «Она», «Алдаркўса», «Севги достони», «Бўтакўз» шулар жумласидандир.

Қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро алоқа ва ҳамкорликнинг тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Бу икки ҳалқ оғзаки ижодида кўплаб учрайдиган жуда ўхшаш мотивлар, рухан яқин образлардан ташқари буюк Алишер Навоий ижодининг маърифатпарвар Абай поэзиясига ижобий таъсир кўрсатиши қозоқ ва ўзбек адабиётлари ўртасидаги ўзаро таъсир ва алоқанинг ёркин мисолидир. Қозоқ тилидан ўзбек тилига қилинган таржималар орасида М.Аvezovnинг тўрт жилдли «Абай», F.Мустафиннинг «Қарағанд», «Чиганок», F.Мусреповнинг «Қозоқ солдати», Ж.Нурпесовнинг уч жилдли «Конватер» романлари, Ж.Жабаевнинг энг яхши шеърлари, Т.Жароков, Қ.Омонжўловларнинг достонлари, С.Бегалиннинг «Она меҳри» ҳикоялар тўплами ўзбек китобхонларига етиб борган.

Қозогистонда эса Ҳ.Ҳ.Ниёзий ва Комил Яшиннинг пьесалари, Ойбекнинг «Кутлуғ қон», А.Мухторнинг «Опа-сингиллар», А.Қахҳорнинг «Синчалак», О.Ёкубовнинг «Муқаддас», Н.Фозиловнинг «Юрак амри билан» киссалари, Уйғун, Р.Бобоҷон, Миртемир, Ҳ.Ғулом, Шуҳрат, Мирмуҳсин ва Зулфияларнинг шеърлар тўпламлари, шунингдек, «Ўзбек шеърлари», «Ўзбек пьесалари» номли китоблар қозоқ тилида нашр эттирилди. Хусусан, Қозогистонда ўтказилган ўзбек адабиёти ҳафталиги, Ўзбекистонда ўтказилган қозоқ адабиёти ҳафталиклари бу икки ҳалқ адабиёти ва маданияти ўртасидаги дўстона алоқа ва ҳамкорликни янада кучайтирумокда.

АБАЙ ҚЎНОНБОЕВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (1845-1904)

Қозоқ ҳалқининг мутафаккири, жамоат арбоби ва шоири Абай Қўононбоев ўз мероси билан қозоқ адабиёти, маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган, қозоқ адабиётининг энг буюк сиймоларидан ҳисобланади.

Абай Қўононбоев XIX асрнинг иккинчи ярмида яшади. У ҳозирги Қозогистоннинг Семипалатинск уездига қарашли Чингизтов районида чорвадор оиласида туғилди. Ёшлик чоғларида мадрасада ўқиди. Кейинчалик рус мактабига қатнаб рус тили ва адабиётини ўрганди. Абай бир томондан, шарқ адабиётининг буюк вакиллари Фирдавсий, Навоий, Низомий ижоди билан, иккинчи томондан А.С.Пушкин, Л.Н.Толстой, М.Е.Салтиков-Шчедрин асарлари билан қизиқиб, ўз билимини ошириди.

Абай ижоди ёшлик чоғларидан шеър ёзиш ва ўлан айтишдан бошланди. Унинг жуда кўп ўланлари ҳалқ орасида машхур.

Ўз даврининг илғор гояли зиёлиси бўлган Абай маърифатпарварлик ҳаракатига бошчилик қилди. У ҳалқни саводхон килиш ва руслардан ўrnak олишга даъват этди.

Абай лирик шоирдир. Унинг шеърларида тарқоқ қозоқ қабилаларини бирлаштириш, ёшликтан хунар ва илм ўрганиш зарурлиги гояси тараннум этилди.

Абай шеъриятини ҳалқ ҳаётига яқинлаштириди, ўз лирикасида илғор гояларни тараннум этди, ҳалқ ҳаётининг турли-туман мұхим ижтимоий масалаларини ўз замонасининг илғор зиёлиси сифатида ҳал қилди.

А.Қўононбоевнинг лирикаси ҳалқ ҳаётини акс эттирувчи, таъсирчан, шўх лирикадир. Унинг кўпинча дўмбира ёрдамида ижро этилган ва қисман ёзиб қолдирилган ўланлари турли-туман мавзуларда битилган. Абайнинг бир қанча лирик шеърларида қозоқ чўлиннинг реалистик манзараси она-юргатга бўлган зўр эҳтирос билан чизилган. Шоир Абай қозоқ шеъриятияга достон жанрини олиб кирди. Унинг «Искандар» ва «Масъуд» номли достонлари ҳажм жиҳатдан унча катта бўлмаса-да, уларда шоирнинг кичик бир воқеа орқали Искандар ва Масъудга ўхшаш реалистик образлар ёрдамида илғор гояларни олға суриш маҳорати яққол кўринди. Абай бадий наср соҳасида ҳам қалам тебратган ёзувчидир. Умрининг охирларида яратган «Насиҳат» номли асари кичик-кичик дидактик ва фалсафий мазмундаги насрый ҳикоялардан иборат бўлиб, уларда адабнинг илғор фалсафий ва ижтимоий қарашлари ўз аксини топган.

Маърифатпарвар А.Кўнонбоев Пушкин ижодини ўрганди, унинг асарларини қозоқ тилига таржима қилди.

Абай биринчи қозоқ бастакоридир. У ўз шеърларида халқ куйлари асосида куй басталаган. Абай А.С.Пушкиннинг «Евгений Онегин» асаридан парчаларни қозоқ тилига таржима қилди.

Ўзбек тилида Абайнинг «Ўланлар» ва «Абай Кўнонбоев» деган ном остида айрим асарлари таржима қилиб босилган.

МУХТОР АВЕЗОВ

(1897-1961)

Мухтор Умархонович Авезов Семипалатинскнинг Чингиз тоғларида дунёга келди. Абай кўлёзмаларини ўқиб савод чиқарди. Сўнг Семипалатинскдаги билим юртида ва ўқитувчилар семинариясида таҳсил олди. Авезов 1928 йилда Ленинград Давлат университетини битиргандан сўнг Ўргита Осиё Давлат университети қошидаги аспирантурада ўқиди.

Авезов ижоди 1917 йилда саҳна асари ёзишдан бошланди. Авезов ўз ижодининг биринчи босқичида иккиланиш ва изланиш даврини бошдан кечирди. Бироқ халқ ҳаётига дадил кириб бориш Авезов ижодининг кейинги даврларида рўй берди. Атоқли қозоқ адаби М.Авезов мураккаб ижодий йўлни босиб ўтган ёзувчилардан биридир. У ўз ижодининг илк босқичида «Энлик-Кебек» номли драматик асарини яратди. Ёзувчининг драматик асарлари қозоқ миллий театр санъатининг шаклланишида муҳим роль ўйнади. Унинг «Чегарада», «Синов соатларида», «Ялангоч қилич», «Номус гвардияси» ва «Олма боғида» драмалари яратилди.

М. Авезов насрга драматургия оркали кириб келди. Унинг «Караш-караш», «Бургутли овчи», «Излар», «Елкама-елка» номли дастлабки насррий асарларида ёзувчидан реалистик тасвирлаш маҳорати кўринади.

«Абай» пьесаси Абай тўғрисида ёзилган илмий-танқидий мақолалар, Абайнинг таркоқ ўланларини ёзиб олиб тўплаш – бу ишларнинг ҳаммаси М.Авезовга 4 жилдлик «Абай» эпопеясини яратиш учун бир тайёргарлик эди. «Абай» романини ҳақли равишда «қозоқ халқи ҳаётининг қомуси» деб аташ мумкин. Чунки унда ёзувчи қозоқ халқининг XIX асрнинг иккинчи ярмидаги мураккаб ҳаётини акс эттириди. Шунинг учун «Абай» эпопеяси, қозоқ прозасининг 40-50-йиллардаги муваффақиятлари ҳисобланган «Бўйтакўз», «Ҳаёт мактаби», «Миллионер», «Қозоқ солдати», «Қарағанда» романлари қаторидан ўрин олди.

Драматург М.Авезов 20дан ортиқ пьеса ёзди. Жумладан, «Тунги сарин», «Абай», «Кўбланди», «Номус гвардияси», «Ялангоч қилич» ва «Чегарада» драмалари мавжуд.

Ўттизинчи йилларда Авезов насррий асарлар ёза бошлади. Авезовнинг ижодида «Абай» ва «Абай йўли» номи билан нашр қилинган тўрт жилдли тарихий-биографик эпопея фаҳрли ўрин эгаллайди.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ

Ўзбекистон Республикаси худудидаги Қорақалпогистон Мухтор Республикасида яшовчи қорақалпок халқи жуда мураккаб тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтди.

Қорақалпок халқининг ўзига хос жуда бой оғзаки ижоди ва адабиёти бор. Халқ оғзаки ижоди инқилобгача кенг тараққий этиб, ёзма адабиёт суст кўринишда ривож топди. Бунинг асосий сабабларидан бири қорақалпоклар узок асрлар давомида ярим кўчманчилик ҳаётини бошдан кечирдилар. Мехнаткаш халқнинг орзу -истаклари халқ оғзаки ижодида ўз ифодасини топди. Фольклор асарларининг бизгача етиб келган намуналари орасида мазмундор ажойиб лирик асарларни ҳам, салмоқдор қаҳрамонлик достонларини ҳам учратиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг Қорақалпогистондаги иқтисодиёт ва маданият илмий текшириш институтида «Кирқ қиз», «Эр қўшай», «Маспошшо», «Шахриёр» сингари достонларининг кўлёзмалари бор. Қорақалпок фольклорида бундан ташқари ўзбек, тожик, туркман ва бошқа қардош халқлар орасида машҳур бўлган «Ошиқ Фариб», «Юсуф ва Зулайҳо», «Ошиқ Ҳамро», «Тохир ва Зухра», «Юсуф Аҳмад» каби достонларни ҳам учратамиз.

Қоракалпоқ достонларининг деярли ҳаммасида ватанпарварлик ғоялари ва демократик мотивлар ёркин акс этади. Қоракалпоқ халқи орасида бу достонларни ижро этадиган, уларни авлоддан авлодга етказадиган халқ шоирлари етишиб чиқди.

Қоракалпоқ достонлари ўртасида «Қирк қиз» достони ғоявий мазмуни ва бадиий жиҳатдан юкорилиги билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Қоракалпоқ фольклорида ёртак, лапар, жумбок, кўшиқ ва термалар ҳам жуда кўп яратилган.

Маълумки, инқилобгача қоракалпоқ халқи араб ёзуви билан иш кўрган. Ёзма адабиёт вакиллари ҳам шу ёзувда ижод қиласалар. Бирор, ХҮП асрдан бошлаб шаклланган қоракалпоқ ёзма адабиёти хакида бизгача жуда оз маълумот етиб келган.

Қоракалпоқ халқ шоирларининг кўпчилиги, жумладан, Жиян Жиров, Кунхўжа, Бердақ, Кулмурод, Гулмурод ва бошқалар меҳнаткаш халқ орасидан етишиб чиқди. Уларнинг ижодида халқ хаётининг фожиали лавҳалари ёркин тасвирланган.

Қоракалпоқ ёзма адабиётининг йирик вакилларидан яна бири Ҳожиниёз шоирдир. У Фирдавсий, Низомий, Навоий, Маҳтумкули каби атоқли Шарқ шоирларининг ижоди билан яхши таниш бўлган. Унинг «Бўз ўтов» достонида қоракалпоқ халқининг бошқа юртларга кўчиб кетишга мажбур этилганлиги, туғилиб ўсган ватани билан хайрлашиш жуда оғир бўлганлиги усталик билан тасвирланган.

Қоракалпоқ классик адабиёти тараққиётида шоир Бердимурод Бердақнинг мавқеи катта. Шоир «Шажара», «Эрназарбий», «Ойдўст бий», «Ахмоқ подшо» достонлари билан қоракалпоқ классик поэзиясида достончиларининг ривожланишига салмоқли хисса кўшди.

Ўзбек ва қоракалпоқ халқлари ўртасидаги биродарлик кўп асрлардан бери давом этиб келмоқда. Бунинг ажойиб намуналарини биз ўзбек ва қоракалпоқ ёзувчилари ўртасидаги ижодий ҳамкорликда, биродарликда кўрамиз.

Қоракалпоқ адабиётининг тараққиёти шўро йилларида бир текисда ривожланмади. Шўро даврида қоракалпоқ адабиёти халқ оғзаки ижодининг кучли таъсири остида шаклланди ва ривожланди. Шунинг учун унда дастлабки вақтларда шеърият асосий жанр бўлиб қолди. Қоракалпоқ ёзувчилари XX асрнинг 20-30-йилларида «Эркин қоракалпоқ» газетаси атрофига уюшдилар. Чунончи бу йилларда адабиёт майдонига кириб келган Х.Ахметов, А.Матёкубов, А.Утепов, Ж.Оймурзаев ва А.Бегимов сингари ёшлар, шунингдек, А.Дабилов, С.Нурумбетов сингари тажрибали ёзувчиларнинг деярли ҳаммаси ўз ижодини аввал мухбир-журналистликдан бошлади.

20-30-йиллар қоракалпоқ шўро адабиётида яратилган шеърий ва кичик насрый асарлар бадиий жиҳатдан хийла бўшлигига қарамай, уларда даврнинг муҳим масалалари кўтарилди.

Ўттизинчи йиллар қоракалпоқ шўро адабиётида кичик лирик шеърий асарлар билан бирга йирик шеърий асарлар, жумладан достонлар ҳам юзага кела бошлади. Чунки бу вақтларда шоирлар ўз асарларида қоракалпоқ халқи ҳаётида юз бераётган жиддий ўзгаришларни кенгроқ эпик планда акс этириш зарурлигини сездилар. Натижада бу йилларда Ж.Оймурзаевнинг «Жумагул», «Кураш», «Курашда биз енгдик», М.Дарибоевнинг «Холжон», «Ойимжамол», А.Бегимовнинг «Кураш фарзанди» достонлари ижод этилди.

Урушгача бўлган беш йилликлар даврида қоракалпоқ шоирлари ижодида дехқонлар ҳаётини тасвирлаш билан бирга ишчилар ҳаётини тасвирлашга бағищланган шеърлар ҳам, достонлар ҳам, Ватан мудофаасига бағищланган достонлар ҳам юзага кела бошлади.

1941-1945-йиллардаги уруш қоракалпоқ шоир ва ёзувчиларининг ижодида ҳам тасвирланади. Масалан, Ж.Оймурзаевнинг «Менинг дўстларим», «Ербой ботир», Д.Назирбергеновнинг «Икки қаҳрамон» достонлари, қоракалпоқ шоирининг «Душманни енгамиз» каби шеърий тўпламини кўрсатиш мумкин.

Драматургия жанри қоракалпоқ адабиётига шўро инқилобидан кейин кириб келди. Бу жанрга асос солган қоракалпоқ драматурги А.Утепов дастлаб «Ўз тенгини топган қиз» пьесасини эълон килди. Ундан сўнг А.Бегимов ўзининг «Хотира» номли асарини ёзib, унда қоракалпоқ халқининг азоб-уқубатли ўтмишини тасвирлайди.

Қоракалпоқ шўро адабиётида адабиётшунослик ва адабий танқид ҳам анча ривожланди. Бу соҳада филология фанлари доктори Н.Давқораевнинг «Қоракалпоқ адабиёти тарихи очерки», И.Сагитовнинг Бердақ ижодига бағишиланган диссертацияси, Н.Нурмуҳаммединг адабий таъсир масаласига доир илмий ишини алоҳида таъкидлаб ўтиш мумкин.

50-60-йиллар адабиёт майдонига истеъодди ёш ёзувчилар И.Исмоилов, Ж.Дилмуротов, С.Сайджонов, Х.Турэмбетов, М.Юсупов ва У.Хўжаниёзовларнинг кириб келиши қорақалпоқ шўро адабиётининг янги-янги ғоявий чукур, сиёсий ўткир ва бадиий мукаммал асарлар билан бойишига олиб келди.

60-70-йиллар мобайнида ёзилган энг яхши насрый асарлар сирасида Т.Қайипбергановнинг «Қоракалпок қизи» дилогиясини, «Қоракалпок достони» трилогиясини, Т.Нажимовнинг «Янги уй муборак», «Қизилкум огушида», А.Бекимбетовнинг «Кураш», «Жиддий имтиҳон», «Номус», «Ҳаёт йўлида», Ж.Сапаровнинг «Шуманай», К.Султоновнинг «Оқдарё», «Ажиниёз», «Ўтган кунлар» сингари тарихий ва замонавий мавзулардан баҳс этувчи роман ва достонларни мисол қилиш мумкин.

Шу давр ичида қорақалпоқ шоирларининг ўнлаб шеърий тўплам ва туркумлари, катор достонлари босилиб чиқди. Китобхонлар самимий кутиб олган шундай поэтик асарлардан энг муҳимлари тубандагилар: И.Юсуповнинг «Етти довон», «Юрак қўрини юрак олади», У.Хўжаназаровнинг «Қалб түғёни», «Йилларим», М.Сейтназаровнинг «Ҳамиша йўлда», Ж.Сейтназаровнинг «Олтин соат», Т.Сейтжоновнинг «Мұхабbatнома», «Сенга баҳордир мушток», Г.Есемуратовнинг «Кашта», Ж.Дилмуратовнинг «Ёз қўшиғи», «Навбаҳор», Т.Жумамуратовнинг «Макарья сулув», Х.Сапаровнинг «Мухбир», «Ўғил билан сухбат», К.Рахмоновнинг «Тонг ошиғи», «Чўл достони», Ш.Сеитовнинг «Тоғ акси садоси» достонлари ва ҳ.к.

Драматургия кўлга киригтан ютуқлар ҳам диққатга сазовор. Театр саҳналарида қорақалпоқ, рус ва ўзбек тилларида намойиш этилган замонавий ва тарихий пьесалар орасида айниқса, И.Юсуповнинг «Санъаткор тақдири», «Хушчақчақ Омирбек», С.Хўжаниёзовнинг «Нозанин қиз», «Аҳмок пошшо», «Ўз баҳтини топган болалар», П.Тлегеновнинг «Етти миллион жон», «Оналар», Т.Сейтжоновнинг «Қора кўзли гўзал», «Абу Райхон Беруний», Ж.Оймурзаевнинг «Равшан» драма ва комедиялари ўз мазмундорлиги ва бадиий етуклиги билан ажralиб туради.

Қорақалпоқ ва ўзбек халкларининг тарихи бир-бирига чамбарчас боғлиқ бўлганидай, бу икки кон-қардош халкнинг адабиёти ўртасида ўзаро алоқа ва таъсир ҳам бир неча асрлик тарихга эга. Ўзбек халқ достон ва эртаклари кўпдан бери қорақалпоқ халқи орасида машхур бўлганидек, қорақалпокларнинг «Қирқ қиз» достони ҳам ўзбек китобхонлари диққатини ўзига жалб этиб келмоқда. Ўзбек ва қорақалпоқ адилларининг ижодий ҳамкорлиги амалий тус олди. Бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш иши кенг кулоч ёйди.

Хусусан, ўтган асрда Ойбек, Уйғун, А.Қаҳҳор, Н.Сафаров ва М.Шевердин сингари таникли ёзувчиларнинг Қорақалпогистонда бўлиб, адабий ҳаракатга бевосита иштирок этишлари қорақалпоқ адабиётининг салмоқдор бадиий асарлар билан бойишига ижобий таъсир кўрсатди.

Ўзбек шоир ва ёзувчиларидан А.Навоий, Муқими, Ниёзий, Ойбек, Ф.Гулом, А.Қаҳҳор, Уйғун, А.Мухторларнинг асарлари қорақалпоқ тилига таржима қилиниб, кўплаб нашр эттирилганидек, қорақалпоқ халқ эпоси «Қирқ қиз», шунингдек, Б.Бердақ, Ж.Оймурзаев, Х.Сеитов, А.Бегимов, М.Дарибоев, А.Дабилов сингари классик ва XX аср шоирларининг шеър ва достонлари, Т.Қайипбергановнинг «Сўнгги хужум», «Қорақалпок қизи» ва «Қорақалпок достони» романлари, С.Хўжаниёзовнинг «Сўймаганга сўйканма» комедияси ўзбек китобхон ва томошибинларига катта эстетик завқ бағишиламоқда.

БЕРДАҚ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ (1827-1900)

Бердимурод Қарғабой ўғли Бердақ Қорақалпогистоннинг ҳозирги Мўйноқ районида балиқчи оиласида туғилди. У ёшлиқда ота-онасидан етим қолиб, бир бурда нон учун овулма-овул Ўрта Осиё шаҳар ва қишлоқларини кезиб чиқди. Бек аввал овул мактабида, кейин мадрасада таҳсил олди. Лекин мадрасада ўқишини охирига етказолмай, уни ташлаб кетишига мажбур бўлди. Шундан сўнг бутун умрини муҳтоjлиқда ўтказиб 73 ёшида вафот этди.

Бердакнинг ижоди 18-19-ёшларидан дўмбира чертиб шеър айтишдан бошланди. 25 ёшида у истеъдодли шоир сифатида халқ орасида танилди. Бердақнинг шеърлари меҳнаткаш халқнинг оғир хаётини акс эттиришга, Хива хонлари ва чор ҳукумати амалдорларининг зулмига қарши халқ норозилигини ифодалашга бағишлиланган эди.

Бердақ халқ хаётини, унинг орзу-истакларини яхши билган шоир эди. Шунинг учун унинг шеърларида халқпарварлик руҳи кучли. Масалан, ўзининг «Халқ учун» номли шеърида шоир ёшларни меҳнаткаш халқ учун жонини аямасликка чақиради.

Бердақ корақалпоқ халқининг машаққатли хаётини акс эттириш билан бирга ўз шеърларида бу бадбаҳтликнинг сабабчиси бўлган мутаассиб руҳонийларни аёвсиз фош қилди.

Бердақ шеърларида хотин-қизлар образини яратишга катта ўрин берилган. Бердақ «Шажара», «Хоразм», «Омонгелди», «Айдосбий» ва «Аҳмок подшо» достонларининг ҳам муаллифи. Бу достонларда, хусусан, «Аҳмок подшо» достонида у золим ҳукмдорларни шафқатсиз танқид қилди.

Бердакнинг шеърлар тўплами ўзбек тилида 1961 йилда босилиб чиқкан.

ЖЎЛМУРЗА ОЙМУРЗАЕВ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ

(1927)

XX аср адабиётининг кўзга кўринган адиларида бири Жўлмурза Оймурзаев Коракалпогистоннинг Чимбой районида туғилади. У Тўрткўлдаги педагогика техникумидаги олади. Сўнг бир неча йил ўқитувчилик қиласи. Кейинчалик республика газета ва журналлари редакцияларида, Қоракалпогистон давлат нашриётида ишлайди.

Ж.Оймурзаевнинг ижоди 1927 йилдан бошланган. У шу вақтга кадар ўнлаб шеърлар тўпламларини нашр эттириди. 1935-1936 йилларда Москвада босилиб чиқкан биринчи ва иккинчи тўпламларига шоирнинг реал хаёт воқелигини акс эттирувчи шеърлар киритилган эди. 1938 йилда нашрдан чиқкан тўплами эса адебининг «Кураш» ва «Биз курашда енгдик» номли достонларини ҳам ўз ичига олади.

Драматург Ж.Оймурзаевнинг пьесалари («Ойгулобод», «Аму қирғоқларида», «Бердақ» кабилар) Коракалпогистон Давлат театри репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллаб келмоқда.

Ж.Оймурзаев кўпгина ҳикоя, очерк ва фельетонлар, шунингдек, «Камекбой иши» номли романининг муаллифи. бу романда республика пахтакор дехконларининг хаётини тасвиirlаш жараённида айрим кишишлар онгидаги сакланиб колган эски урф-одатлар танқид қилинади.

Ж.Оймурзаевнинг қоракалпоқ адабиёти ва санъати таракқиётидаги хизматларини назарда тутиб, Ўзбекистон ҳукумати унга Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби деган фахрий унвонни берган. Ж.Оймурзаев асарлари ўзбек китобхонлари орасида ҳам машҳур. Унинг шеър ва достонлари ўзбек тилида бир неча марта босилиб чиқкан.

ОЗАРБАЙЖОН АДАБИЁТИ

Озарбайжон халқи Кавказ ва Закавказъеда яшовчи халқлар орасида қадимий маданият тарихи ва адабиётга эга бўлган халқлардан биридир. Унинг халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт шаклида яратилган энг қадимги намуналарида инсонпарварлик, адолат ва эзгулик тараннум этилади. Турли туман адабий жанрларда яратилган халқ ишқий- қаҳрамонлик достонлари, эртаклари, маросим ва мухаббат қўшиклари, халқ латифалари ва мақолларидан иборат фольклор асарлари турли тарихий даврларда яратилиб, оғиздан оғизга кўчиб бизгача етиб келган. Булардан энг машҳурлари «Китоби Дада Кўркут», ва «Кўр ўғли» достонлари, «Ошиқ Ғарип», «Шоҳ Исмоил», «Асли ва Қарам» ишқий достонлари, Мелик-Мамед ва Кал Аҳмад саргузаштларидан ҳикоя килувчи кулгили эртаклар, инсоний мухаббатни олқишиловчи тўртлик байтлардир.

Озарбайжон халқ оғзаки ижоди ва қадимий ёзма адабиёти билан Ўрта Осиёда яшовчи ўзбек, тоҷик, туркман, кирғиз ва қоракалпоқ халқларининг адабиёти ўргасида бир-бирига ўхшаш жуда кўп анъаналар мавжуд. Кейинчалик озарбайжон классик адабиёти ва ўзбек, тоҷик, туркман классик адабиётларининг йирик вакиллари ижодида ҳам ўзаро алоқа ва таъсир турли-туман шаклларда давом этиб келди.

Озарбайжон классик адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттирган Озар ўғли, Мадина Гулгун, Акима Биллурый, Али Туде, Фитрат ва бошқалар шеърияти том маънода қаҳрамонлик поэзиясидир.

Озарбайжон шоирларидан О.Саривелли, А.Жамил, З.Халил, Н.Рафибейли, ва Н.Сайдзодалар лирикаси ҳам ватанпарварлик руҳи билан сугорилган. Н.Хазрий, Б.Вахҳобзода, Г.Хусейнзода, К.Косимзода, А.Бобоев ва Г.Имомбердиевларнинг номларини ҳам таъкидлаш ўринлидир. Ёзувчилардан М.Урдидий, А.Абулҳасан, А. Шойик, С.Рахимов, М.Хусейн, М.Иброҳимов, А.Валиев, И.Эфендиев, Миржалол ва Г.Мусаевларнинг замонавий ва тарихий мавзудаги роман, қисса ва хикояларида муҳим масалалар бадиий талқин этилади.

XII-XVI асрлар озарбайжон поэзиясининг гуллаб - яшнаган даври. Озарбайжонда VII-VIII асрларда араб тили, IX асрдан бошлаб эса форс тили расмий давлат тили хисобланганлиги туфайли Исмоил Яссорий (VII аср) ва Аҳмад Табризий (XV аср) каби ўнлаб озарбайжон шоирлари ўз асарларини араб ва форс тилларида ёзишга мажбур бўлганлар. Кейинчалик бу анъанани озарбайжон шоирларидан Ҳоқоний-Шервоний, Низомий-Ганжавий, Мухаммад Фузулий ва қисман, ҳатто Мирзо Фатали Охундовлар ҳам давом эттирганлар. Бу сўз санъаткорлари яратган асарлар, табиий, озарбайжон адабиёти маҳсулидир. XI-XII асрларга келиб араб истилочилари таъсирининг кун сайин сусайиши натижасида Озарбайжонда мустақил маҳаллий феодал давлатлари юзага келди. Бу феодал давлатларда ўзига хос сарой адабиёти шаклланди, қасида ва ғазал жанрлари равнақ топди.

Бу давларда маҳаллий ҳукмдорларнинг саройлари атрофида уюшган шоирлардан машҳурлари “малик-уш шуаро” Абдул Ула Ганжавий, шоир ва астроном Фалакий Шервоний, шоира Махсатий Ганжавийлар эди. Булардан шоира Махсатий ўзининг рубоийларида озарбайжон хотин-қизларининг қайгу-алами ва ўз даврининг ижтимоий-тengsizliklari ҳақида ёзиб, Яқин Шарқда шуҳрат қозонди. Афзалиддин Ҳоқоний эса бошда Шервон шоҳга мадҳ ўқиган бўлса-да, кейинчалик ўз асарларида феодал зулм ва реакцион диний ақидаларга қарши чиқсанлиги учун бир умр таъкиб остига олинди. У Эрон ва Араб мамлакатларида сарсон-саргардон бўлиб юрган пайтларида ўзининг “Тұхфат-ул Ироқайн” (Икки Ироқ тұхфаси) ва “Мадоин қасри” асарларини яратди.

XII аср озарбайжон поэзиясининг гуллаб-яшнаши, шубҳасиз, Низомий Ганжавий номи билан боғлиқ. Чунки Низомий Ганжавий ўз лирикаси ва хамсачиликка асос соглан беш йирик достонида Шарқ поэзияси эришган ютукларга яқун ясади ва поэзия тараққиётида узок асрлар салмоқли роль ўйнаган янги анъанани бошлаб берди.

“Хамса”нинг биринчи достони ”Махзанул-асрор” ўз дидактикаси билан, “Лайли ва Мажнун”, “Хусрав ва Ширин” ҳамда “Хафт пайкар” севги фалсафаси билан, «Искандарнома» эса шоир дунёқарашига хос ижтимоий қарашлари билан жаҳон адабиётiga кучли таъсир килди.

Мухаммад Фузулий ижоди Озарбайжон поэзиясининг юқори чўққиси эди. Фузулий лирикасининг асосий мотиви инсонга шодлик ва қувонч, ташвиш ва алам бағишловчи пок муҳаббатdir. Шоирнинг фикрича, севги кишиларга адолат учун олиб бориладиган курашда куч бағишлияди. Фузулий лирикасида ишқ-муҳаббат мавзуи кўпинча турли ижтимоий-фалсафий масалалар билан чамбарчас боғланган ҳолда талқин этилар экан, шоир золим, фаросатсиз ҳукмдорларни, алдоқчи руҳонийларни қаттиқ танқид остига олади. Буюк адабининг гуманизми унинг озарбайжон тилида яратган генниал достони “Лайли ва Мажнун”да ўзининг ёрқин ифодасини топган. Бу асарда Фузулий ўз устозлари Низомий ва Навоий ижодидаги энг яхши анъаналарни давом эттириб, пок инсоний севги, муҳаббатни олкишлайди. “Банг ва Бода”, “Сехат ва мараз” деб аталувчи тамсилий асарларда эса шоир ўша замоннинг муҳим ижтимоий, ахлоқий масалалари ҳақида фикр юритади. Озарбайжон адабий тилининг шаклланишида ҳам Фузулийнинг хизмати foят катта. XVI-XVII асрларда турк сultonларининг Озарбайжонга қилган ҳужуми натижасида мамлакат яна ҳаробага айланиб адабий инқирозга юз тутди. Ёзма адабиётida диний ва хуроғий гоялар ҳукмрон эди. Бироқ ҳалқ оғзаки ижодида ватанпарварлик, ҳалқлар дўстлиги гояларини тарғиб этувчи бир қанча қаҳрамонлик достонлари юзага келди. Бу асарлар озодлик ва мустақилликкага итилиш, босқинчиларга қарши ғазаб ва нафрат мотивлари озарбайжон, арман ва грузин ҳалқлари ўртасида дўстликка чорловчи куйларга ҳамоҳанг бўлди.

Ошиклик поэзиясининг кенг кулоч ёйиб тараққий этиши билан фольклорнинг классик адабиётга таъсири кучайди. Классик поэзия халқ оғзаки ижоди мавзулари билан бойиди, реалистик тасвирга интилиш ортди. Шеърий асарларда муҳаббат мавзуи билан бир қаторда даврнинг ижтимоий-сиёсий воеаларига алоқадор масалалар ҳам кўтариб чиқиладиган бўлди. Шундай масалалардан энг муҳими Кавказ орти халқлари ўртасида дўстлик ва чет эл босқинчиларига қарши газаб-нафрат масаласи бўлиб, у Саят Нова каби шоирлар ижодининг асосий моҳиятини ташкил қиласди.

Видодий билан Вокиф XVIII аср халқ поэзиясининг энг яхши хусусиятларини ўз ижодига сингдирган атоқли озарбайжон шоирлари эдилар. Ҳар иккала шоирнинг лирикаси халқ оғзаки ижодининг бой хазинасидан озиқланади. Аммо уларнинг шоирлик тақдиди бир-биридан фарқ қиласди. Видодийга ҳаёт аччик-чучуклари каттия ботгани учун у фоний дунёни турли-туман масалалари ҳакида қайгуриб, ҳаёл сурди (шоирнинг “Турналар”, “Йиглайсан” шеърларида ифодаланган).

Меҳнаткаш оиласда туғилиб, вояга етган, ўз-акл идроки туфайли вазирлик лавозими даражасига кўтарилиган (Корабоғ хонининг вазири эди). Мулла Паноҳ ўғли Вокиф лирикасида эса феодал зулм исканжасида инграган инсоннинг ўй-фирくだари, хис-туйгулари ўз ифодасини топди. Вокиф лирикаси, баъзан унда кажрафтор фалак вафосизлигидан нолиш, ҳаётдаги тенгизликлардан ранжиш мотивлари учрашига қарамасдан, асосан ҳаётбахш рух билан сугорилган эди. Шоир ҳаёт гўзаллигини куйлар экан, дунёнинг ўткинчилиги ҳакида кишилар онгига сингдирилган умидсизлик кайфиятларини рад этди. Инсоннинг шу дунёда ҳам баҳтили бўла олишини ишонч билан тасдиқлади. Севгини ва маъшука гўзаллигини мадҳ этиш Вокиф лирикасида янгича фазилат касб этди ва шоирнинг порлок келажакка ишонч гояларига ҳамоҳанг бўлди.

Вокиф халқ орасида кенг тарқалган ўйноки қўшиклар муаллифи. Унинг ғазаллари самимийлиги ва таъсиричанлиги билан кишини қойил қолдиради.

Вокиф ижоди озарбайжон адабиётида реализмнинг шаклланиши ва мустаҳкамланиши учун замин ҳозирлади, у бошлаган шарафли ишни Абдулқосим Наботий, Шукухий ва Ошуқ каби шоирлар давом эттирилар.

XIX асрнинг бошларида Шимолий Озарбайжон Россия томонидан босиб олинди. XIX асрнинг биринчи ярмиданоқ Озарбайжонда зулм, қолоқлик ва диний хурофотга қарши қаратилган маърифатпарварлик ҳаракати кучайди. Бу ҳаракатнинг дастлабки вакиллари: атоқли озарбайжон шоирлари ва олимлари Аббосқули Бокибоев, Мирза Шафий Возех ва Исмоилбек Куткашинскийлар адабиётга новелла, реалистик достон каби янги жанр элементларини олиб кирдилар, шу билан бирга, турмуш ходиса-воеалари ҳакида кенг муҳокама юритиш, эркин фикрлаш ва халқларнинг ночор ахволидан ташвишланиш кайфиятларини рўёбга чиқара бошладилар. Мирзо Шафийнинг қўшиклари, Исмоил Куткашинскийнинг “Рашидбек ва Саодатхоним” новелласи фикримизнинг далили бўла олади. Озарбайжон маърифатпарварлари орасида XIX асрнинг буюк драматурги ва мутафаккири Мирза Фатали Охундов (1812-1878) ўзига муносиб фахрли ўринин эгаллайди.

М.Ф.Охундов озарбайжон реалистик адабиётининг асосчисидир. Чунончи у озарбайжон адабиётида реалистик комедиялар яратиб, озарбайжон миллий театрининг шаклланиши учун замин ҳозирлади. Унинг “Мулла Ибриҳим Ҳалил кимёгар”(1850), “Хасис кишининг саргузашти”(1852) ва табитшунос “Мусъе Жордан” (1850) комедияларини феодализм жамиятидаги хукмон доиралари устидан чиқарилган айбнома деб аташ мумкин.

М.Ф.Охундов шоир сифатида ҳам рус шеъриятининг энг яхши анъаналарини Шарқ классик шеъриятининг ажойиб анъаналари билан боғлаб ривожлантириди. У ўз шеърларида рус ва озарбайжон халқлари ўртасидаги дўстликни тасвирлаган бўлса, 1837 йилда ёзилган “Шарқ поэмаси”да Пушкин образини яратди. М.Ф.Охундовнинг фольклор материалларидан кенг фойдаланиб ёзган йирик насрый асари - “Алданган юлдузлар” киссаси ўша даврда реалистик прозанинг пайдо бўлаётганлигидан далолат берар эди.

XIX аср охири XX аср бошларида озарбайжон драматургиясида М.Ф.Охундовнинг анъаналарини давом эттирувчилардан Нажафбек Везиров, Наримон Наримонов, Сулаймон Сани Охундов ва Асадбек ўғли Абдураҳимбек Ахвердовлар адабиёт майдонига чиқдилар.

Булардан Нажафбек Фаталибек ўғли Везировнинг драматик асарларида бош мавзу озарбайжон помешчик ва капиталистлари мухитидаги патриархар ва феодал муносабатларни танқид қилишдан иборат эди. У ўзининг “Ёмғирдан қутилиб қорга”, “Номигина қолди холос”, “Нима эксанг шуни ўрасан” номли комедияларида савдогарларнинг хасислиги ва руҳонийларнинг мақр-хийла ҳажв килинади, озарбайжон хотин-кизларининг хуқуқсизлиги ва эски урф-одатлар танқид қилинади.

Бу хусусият кейинчалик Ахвердовнинг “Хонавайрон қилинган уя”, “Бахтсиз йигит”, Ж.Маматкулизоданинг “Ўликлар” пьесаларида ҳам ривожлантирилган. А.Собир ва Ж.Маматкулизодалар ҳажвий шеър ва насрнинг энг яхши намуналарини яратиб, биринчидан, меҳнаткаш омманинг сиёсий онги, тушунчаларига кучли таъсири кўрсатган бўлсалар, иккинчидан, озарбайжон адабиётида шеърият ва бадиий наср жанрларининг шаклланишага сабаб бўлдилар.

Ж.Маматкулизода ўз даврининг ўткир ҳажвчи адиби сифатида рус ёзувчиси Н.В.Гоголга эргашди ва ўттиз йилдан кўпроқ вақт ичida жуда кўп ҳикоя, феълетон қисса ва памфлетлар чоп эттириди. У яратган сиёсий томондан ўткир ҳажвий асарларнинг тифи ўзбошимча ҳукмдорлар, маккор руҳонийларга қарши қаратилган эди. Ж.Маматкулизоданинг деярли ҳамма ҳикоялари ихчамлиги ва ғоявий ўткирлиги билан ажralиб туради. Ёзувчи уларда ҳалқ ҳаётининг реалистик лавҳаларини чизди, турмуш воқеа-ходисалари ҳақида кенг мулоҳаза юритди. Соддалик Ж.Маматкулизода ҳикоялари тилининг асосий хусусиятидир. Шунинг учун унинг ҳикоялари кенг китобхонлар оммасига тез тарқалди.

Али Акбар Собир ўз ижодини ғазал ёзишдан бошлаган бўлсада, тез орада исътедодли ҳажвчи сифатида шуҳрат қозонди. Унинг ижодида акс эттирилган реал вокелик, меҳнаткаш ҳалқнинг аянчли ахволи, озодликка интилиш, бой, мулла ва мустамлакачиларга қарши кураш каби долзарб масалалар шеъриятнинг таъсиричан янги шаклини талаб қиласа эди. Бу шаклни Собир анъанавий ғазал жанрида топди. Али Акбар Собир ижоди ҳаёт ҳақиқатни акс эттирувчи ойнага айланди. Унинг ҳажвияси эксплуаторларга нисбатан ғазаб-нафрат ҳисси билан тўлиб тошди. Собир эзилган ҳалқ ахволига ачиниш билан бирга яқин келажақда озодлик тонги отишига ишонар эди. Шу ишонч туфайли у 1905 йилда чор ҳукуматининг ҳалқлар ўртасида миллий адоватни кучайтиришдек босқинчлилик сиёсатини фош килувчи “Байналминал” шеърини ёзишга журъат этди. А.Собир адабий мактабида тарбия топган оташин шоир Муҳаммад Али Афрошта ва жанубий Озарбайжон шоири Мирза Алиларни кўрсатиб ўтиш ўринли. Озарбайжон адабиётининг шаклланиши ва дастлабки ривожида ўз ижодларини инқилобдан олдин бошлаган тажрибали ёзувчилардан Ж.Маматкулизода, А..Ахвердов, Ж.Жабарли ва Н.Везиров, С.Охундов, А.Шойик, М.Урдидордий, А.Назмийларнинг ва шулар билан биргалиқда Самад Вурғун, Меҳди Ҳусейн, Сулаймон Рустам, Сулаймон Раҳимов ва Мирзо Иброҳимовларни хизмати катта бўлди.

XX аср озарбайжон адабиётининг етакчи жанрларидан бўлган шеърията зўр маҳорат билан қалам тебраттган шоирлардан Самад Вурғун, Сулаймон Рустам, Расул Ризо, Марварид Дилбодий ва бошқалар биринчи навбатда кичик шеърий шакл-сиёсий лирикани ривожлантиришга катта эътибор бердилар. Озарбайжон шоирлари лириканинг муҳим тармоғи сиёсий лирикага мурожаат қилиб, вокелик ҳақида чуқур мулоҳаза юритдилар.

30 йиллардан бошлиб озарбайжон шеъриятида достон жанри тез суръатлар билан ривожлана бошлади. Самад Вурғун яратган “Йигирма олтилар”, “Занжининг орзулари” сингари достонларда озарбайжон ҳалқи босиб ўтган муҳим йўллар акс эттирилган бўлса, Мамад Раҳимнинг II жаҳон уруши сўнгги йилларда яратган “Ленинград осмони остида” ва “Саят Нова” достонларида асосий эътибор турили миллат кишилари ўртасидаги дўстлик муносабатларига қаратилган.

Озарбайжон шоирларидан О.Саривелли, А.Жамил, С.Халил, Н.Рафибейли, Н.Сайдзодалар лирикаси ҳам ватанпарварлик руҳи билан сугорилгандир. II жаҳон уруши ва ундан кейинги йилларда адабиёт майдонига Б.Ваҳобзода, Г.Хусайнзода, К.Қосимзода, А.Бобоев ва Г.Имомбердиев сингари исътедодли ёш шоирлар кириб келди. Улар яратган шеърларда кишиларнинг тинчлик учун кураши, фидокорона меҳнати ва ҳалқлар ўртасидаги бузилмас дўстлик ғоялари тараннум этилди.

Озарбайжон адабиётининг кекса авлоди М.С.Урдидордий, А.А.Абдулхасан, А.Шойиклар билан бир қаторда унинг иккинчи ва учинчи бўгинига мансуб ёзувчилар С.Раҳимов, М.Ҳусейн,

М.Иброхимов, А.Валиев, И.Эфендиев, Миржалол ва Г.Мусаевлар замонавий ва тарихий мавзуларда роман, кисса ва хикоялар ёзиб, биринчидан, аянчли ўтмиш воқеалари тасвирига бағишлиган “Бузилаётган дунё” сингари (А.Абдулҳасан) асарларида озарбайжон хаётидаги кескин бурилиш даврлари акс эттирилган бўлса, “Шамо”, “Ёш йигит манифести” (Миржалол) романларида дехқонлар оммасига бағишлиган харакат тасвирланди, дехқонлар ва ишчилар ўртасида дўстлик-хамжихатлик кўрсатилди. “Сахар” (М.Хусейн) романида Боку комиссарларидан А.Азизбековнинг мукаммал образи яратилди. Замонавий мазмунни яратиш М.Хусейннинг “Абшерон”, “Кора соялар”, М.Иброхимовнинг ”Буюк таянч”, А.Валиевнинг “Гулшан”, С.Раҳмоннинг “Улуғ кунлар” асарлари катта аҳамиятга эга. Бу роман ва киссаларда озарбайжон адиллари, колхозчи дехқонлар, нефть саноати, ишчи-хизматчиларининг ижобий образларини яратдилар.

Чет элларда яшовчи маълум ҳалқларнинг тақдири ҳам озарбайжон адилларининг дикқатидан четда қолмади.

Ёзувчи Мирзо Иброхимов ўзининг “Шундай кун келади” романида (арман адаби Г.Севунцнинг “Техрон” ўзбек ёзувчиси Ойбекнинг “Нур қидириб” асарларида кўзга ташланганидек) Эронда яшовчи форс, курд, арман ва озарбайжон миллатларининг ўз озодлиги учун олиб борган курашларини акс эттиради. Муаллиф романда ҳакиқат, озодлик ва тарақкиёт учун курашаётган кучлар томонида эканини, феодал капиталистик тузумнинг ич-ичидан чириб бораётгани ва ўлимга маҳкум этилганигини зўр ишонч билан тасъидлайди.

Бу насрый асарлар озарбайжон бадиий насрининг ҳамма жанрига хос хусусиятларни тўлиқ акс эттира олмайди, албатта. Чунки озарбайжон насрода “Ер ости сирлари” (М. Иброхимов), “Япроклар” (Б.Байрамов) ва ёш адиллар каламига мансуб роман, киссалар ҳам борки, уларда ҳам хилма-хил соҳалар акс эттирилган, ҳалқ қаҳрамонларининг мукаммал бадиий образлари гавдалантирилган. Масалан, Г.Сайдебелининг “Нотаниш қирғокларда” повестида югослав ва италия партизанларига раҳбарлик килган озарбайжонлик йигит М.Хусейнзоданинг қаҳрамонларни тараннум этилган.

Озарбайжон ёзувчилари драматургия соҳасида ҳам қатор ютуқларни қўлга киритдилар. Улар тарихий ва замонавий мавзуларда саҳна асарлари яратдилар. Тарихий мавзудаги саҳна асарларида С.Вурғуннинг “Воқиф”, С.Рустамнинг “Қочоқ наби”, Э.Мадхолининг “Шарқ тонги” асарлари юксак бадиийлиги билан ва мазмундорлиги билан ажralиб туради. Тарихий драманинг энг яхши намунаси хисобланган “Воқиф” ўзининг кўп хусусиятлари билан Уйғун ва Иззат Султонларнинг “Навоий”, тоҷик драматурги С.Улугзоданинг “Шоирнинг қисмати” асарларига яқин туради. Бу асарда драматург XVIII асрда яшаб ижод этган буюк шоир ва давлат арбоби Мулла Паноҳ ўғли Воқифнинг ҳаёт йўлини, зулм ва жаҳолатга қарши озодлик учун олиб борган курашини тасвиrlаган.

60-70 йиллар озарбайжон шеъриятида Р.Ризонинг “Кунлар ва тунлар”, “Танҳолик интихоси” шеърий тўпламлари, драматургия бобида яратилган асарлар орасида М.Иброҳимовнинг “Қасос”, Б.Ваҳобзоданинг “Ёнгиндан сўнг” пъесалари майдонга келди.

МИРЗА ФАТАЛИ ОХУНДОВ (1812-1818)

Мирза Фатали Охундов (Охунзода) 1812-йилда Озарбайжоннинг гўзал бир гўшаси бўлган Нуҳа шаҳрида туғилди.

Мирза Фаталининг отаси- Мирза Мухаммад Наби Эронда туғилган. У Озарбайжоннинг Табриз вилоятида Хамна қишлоғида кадхудо (маъмурий хизматни ҳам қўшиб бажарувчи кичикроқ имом) бўлиб ишлаган. У бу ишдан бўшагандан кейин 1811 йилда савдогарлик максадида Шакига келиб, Нуҳа шаҳрида ўрнашиб қолади. У замонда бу жойлар эронликлар кўлида эди. 1814 йилда Шаки хони ўлгандан кейин Мирза Фаталининг отаси ҳам бошқалар қатори, хотини ва икки яшар ўғли (Мирза Фатали) билан Эронга қайтиб кетадилар. Аммо кичик Мирза Фатали ота-онаси ёнида Эронда узоқ қола олмайди. Тўрт йилдан кейин 1818 йилда, онаси эридан ажralиб, ўғли билан туғилган ватани Шакига, буваси Охунд Ҳожи Али Аскар олдига келади. Охунд Ҳожи Али Аскар мударрис бўлиб,шарқ илмини, ислом дини, форс ва араб тилларини мукаммал билган. Буваси Мирза Фатали ва унинг онасини жуда яхши қарши олади. Мирза саккиз ёшга кирганда Охунд уни ўқита бошлайди. Мирзанинг қобилиятли эканини сезиб, унга форс ва араб адабиётларидан дарс берга бошлайди.

1826 йилда Эрон билан Россия ўртасида уруш бошланади ва узоқ давом этади.

Шундан сўнг Охунд яна ўз оиласи билан Нуҳа шаҳрига кўчиб кетади. Маълум вакт ўтгандан кейин Ганжага келади.

Тахминан 1834-йилда Хожи Али Асқар ҳаждан қайтиб келгандан кейин Мирза Фатали у билан бирга Ганжадан Нуҳага жўнайди.

Бу вактда Нуҳада Рус мактаби очилади. Хожи Али Асқарнинг ижозати билан Мирза Фатали шу мактабга ўқишига киради. Аммо мактаб ёшидан ўтиб колгани учун I-йилдан кейин мактабдан чиқади. Мактабда рус тилини зўр иштиёқ билан ўқиган бўлса керакки, бир йил ичиди уни яхши ўрганиб олади. Уни отаси Тифлисга олиб кетади. 1834-йилда барон Розен уни ўз маҳкамасига шарқ тиллари таржимони қилиб олишига ижозат беради.

Мирза Фатали 1851-56 йилларда насрый, драматик ва илмий-фалсафий асарларини яратди. Булардан муаллифнинг Европа, хусусан, Россия, Англия ва Франция реалистик адабиётининг, прогрессив ижтимоий онгнинг, фалсафанинг катта ижодий таъсирида бўлганилиги очиқ ва аниқ кўринади. У бу илғор реализмни ривожлантиради ва шарқнинг специфик шароитларига жуда катта усталик билан татбиқ этади. Охундов ўз асарлари билан деярли бутун дунёда шуҳрат қозонади: унинг асарлари инглиз, немис, француз, итальян ва бошқа тилларга таржима қилинади. Комедияларининг баъзилари Петербургда, Тифлисда, Бокуда Саҳнада катта муваффакият қозонади. Ёзувчи ўз асарлари билан накадар буюк сиймо, улуғ драматург, новатор эканлигини, жаҳолатда, коронғиликда, маданиятсизликда, ғоят оғир зулм остида эзилиб ёш тўккан шарқ ҳалқларининг собиқ фарзанди эканлигини намойиш этади. Унинг буюклигини, истеъододини ва ҳатто чор атрофдагилар ҳам эътироф этишга мажбур бўлади.

Мирза Фатали Охундовнинг икки комедияси “Жаноб Жордан”, “Мулла Иброҳим кимёгар” гўзал юморга бойдир. Улар шарқ ахлоқи ва одатларнинг жонли картинасиdir.

Мирза Фатали Охундов ўз асарларига асосий вазифа қилиб борлиқни юксак бадиий воситалари ёрдами билан тўғри, реалистик акс эттириш, бечора ҳалқнинг оғир ҳаётини кўрсатиб, унинг аянчли турмушини, бу турмушдаги нуқсонларни қолоқ тарафларини тўғри изоҳлаб, уларга қарши курашиш, уларни йўқотиш ва бу ишда ҳалқа ёрдам бериш, уни қоронгулик, илмизлик, фанатизм қулигидан озод қилишни, уни душманларини фош этишини кўяди.

Охундов ижодий меросида куйидаги асарлар муҳим роль ўйнайди:

- 1) “Ҳикояти Мулла Иброҳим Ҳалил кимёгар” (1851йил)
- 2) “Ҳикояти Мусъе Жордан Ҳаким наботат ва дарвеш мастали Шоҳ” (1851йил)
- 3) “Саргузашти вазири хони Ланкарон” (1852йил)
- 4) “Ҳикояти хирси қулдурбосан” (1852йил)
- 5) “Хожи Қора” (1852йил)
- 6) “Мурофия вакилларининг ҳикояти” (1856)

Мирза Фатали Охундов булардан бошқа 1852-йилда ўзининг ҳаммага маълум ва машҳур қиссаси “Алданмиш кавоқиб”ни яратади.

Мирза Фаталининг машҳур драматик асари- “Мулла Иброҳим Ҳалил кимёгар”dir. Унга муаллиф шарқда, жумладан, Озарбайжонда кенг ёйилган ва одамларни лаққиллатиб талаш воситаларидан бири бўлган ал-химикларни (кимёгарларни) фош этади. Охундов, бир томондан, одамларнинг маданиятсизлигини, коронғиликда бўлганилигини, ҳалқнинг ҳаёти жуда ачинарли эканлигини акс эттириш билан бирга, иккинчи томондан одамларнинг соддалигидан, қолоклигидан фойдаланиб алдамчилар уларни ёлғонлар ҳамда хийлалар билан талашларини ва бойишларини кўрсатади. Мирза Фатали ҳалқни бундай бўлмагур нарсаларга ишонмасликка чакиради. Мирза Фатали Охундов ўзининг иккинчи комедияси “Ҳикояти мусъе Жордан”да оддий ҳалқдаги маданиятсизликни ва бундан келиб чиқадиган нодонликни, жоҳилликни очиб ташлайди ва “сехргар”ларнинг, “жодугар”ларнинг оддий одамларни талашлари ва лаққиллатишларини фош этади. Ҳалқни маданиятга чакиради.

“Мулла Ҳалил кимёгар” ва “Мусъе Жордан” комедиялари динга, хурофотга қарши курашда ҳам катта аҳамиятга эгадир. Уларни муаллиф сехргарларни йўқ нарсаларга (жин, дев, пари ва х.к.),

Примечание [ГАсГ1]:

мўъжизаларга ишонишни танқид этиб, юкорида айтганимиздек, бундай ғайри табиий воқеаларни табиат қонуналарига зид эканлигини таъкидлайди.

Охундовнинг энг машхур асарларидан бири унинг “Алданмиш кавокиб” деган қиссасидир. Мирза Фатали аввало шу асари билан Озарбайжон реалистик прозасига асос солди. Асарда, бир томондан, феодал Эрондаги ҳоким адолатсизлик ва бехад зулм, чидаб бўлмас даражадаги жаҳолат ва талончилик очиб ташланади, бечора халқнинг фоят аянчли ахволда эканлиги кўрсатилади. Феодал тузумнинг хукмдорлари ва улар атрофига турганларнинг (вазирлар ва х.к.) барча қабоҳат ва разилликлари кескин суръатда фош қилинади. Иккинчи томондан, муаллиф асарнинг қаҳрамони-Юсуфшоҳ амалга оширган ишлар тимсолида ўзининг ўша вактларда ушалмаган ва ушалиши мумкин бўлмаган утопик орзуларини тарғиб этади. Шунинг учун ҳам ҳоким ижтимоий гурухлар ва халқ оммаси орасида кескин ҳамда муросасиз қарама-қаршилик қиссанинг асосини ташкил этади. Айтиш мумкинки “Алданмиш кавокиб” типик шарқ феодал тузумини, феодал идора усули ва хукмдорларни, сарой ахларини, умуман феодал жамиятни, бу жамиятнинг барча ярамас тартиб-коидаларини қаттиқ фош қиласидиган ва аксар жиҳатдан рад этадиган ажойиб асарлардандир.

Идеал хукмдор образини яратиш ва халқ ҳамда мамлакатниadolатli идора этишини тарғиб килиш асарнинг бош мақсадидир.

Охундов хаёт вактидаёқ унинг ҳамма душманлари бетоқат бўлиб, унинг ўлимини кутдилар. Реакционерлар уни асло кўра олмадилар. Бутун онгли хаёти реакция билан шиддатли курашда ўтган Мирзо Фатали 1878-йилда вафот этди.

Улкан мутафаккир, маърифатпарвар-демократ М.Ф.Охундов ҳамма жойда, хусусан шарқда, ўз ватани бўлган Озарбайжонда хукм сурган мутаасиблик, хукуқсизлик ва зулмни атрофлича кўрди, у халқ қачонгача шундай нодон ҳолда ётади, деб фарёд қилди. Ўз замонасидаи ҳаётнинг ҳамма томонларини танқид қилишда ва халқ озодлиги учун олиб борган курашда Охундов жуда нозик ва хилма-хил усулларни кўллади. Чунончи, ўз муаллифлигидан тониб асар ёзиш каби приёмлардан фойдаланди. Ёки баъзан ўз гоявий муҳолифларини ўзининг салафлари деб атайди.

Охундов даврининг энг яхши билганлардан, Охундов адабий мактабини илк йирик намоёндаларидан бири бўлган А.Ҳақвердиев ўзининг кичкина асарида унинг бу ахволини қўйидагича тасвирлайди:

“Ижтимоий аренага қадам қўйган дастлабки кунданоқ М.Ф.Охундов халқнинг нодонлигига, мутаассиблекка ва халқнинг эски фикрларига қарши кураш олиб борди. Руҳонийлар ва шайхулислом билан диний мавзуларда доим мунозара қилишда ва дин ақидаларини талкин қилишда уларнинг нодон эканликларини мантикий жиҳатдан исбот қилди. У халқ жаҳолатга ботиб ётган бир вактда халқнинг иродасини руҳонийлар ўз истакларича кўр-кўrona итоат қилдирган бир пайтда унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, оломон уни аллақачон тилка-пора қилиб ташлаган бўлар эди. Аммо Охундов, уезд бошқармасининг таржимони... анча обрўли бир киши сифатида хурматга сазовор эди. Кавказ ноибининг бошқармасида ишловчи таржимон шундай сиймо эдики, руҳонийларнинг у билан хисоблашмасдан иложи йўқ эди. Шундай қилиб, хизмат мансаби Охундовни қутқазиб қолди ва унга ўз гоясини ўтказиш учун имконият берди.

Ҳақвердов Охундовнинг дағн маросимини мана бундай тасвирлайди: “Муллаларнинг иғвосига учган Тифлис халқи унинг жасадини қабристонга кўтариб боришига унамади. Буюк мутафаккирнинг жасади уч кун уйда ётди, ниҳоят Охундовнинг ворислари унинг жасадини қадристонга кўтариб боришига кўнган одамларга уч сўмдан тўладилар”.

Улуғ мутафаккир ёзувчи Мирза Фатали Охундовнинг асосий фожиаси шундан иборат бўлди, у ўзининг ажойиб орзуларини амалга ошира олмади- давр уни шафқатсиз ва бехаёларча рад этди.

“Бу ишни, бу заҳмат ва азият чекиб бошлаган мақсадни келажак авлодга топширдим”, дейди Охундов.

Шундай қилиб Мирза Фатали ўз даврида енгилган бўлса-да, лекин келажакка ишонч билан қаради, шунинг учун орзуларини авлодлар бажаришга ҳаракат қиласидилар.

УЙГУР АДАБИЁТИ

Уйгурлар Хитой Халқ Республикасининг Синъязн-Уйгур Автоном Районида яшайдилар. Уйгур халқи Марказий Осиёдаги энг қадимги халқлардан бўлиб, ўзининг бой маданий ўтмиши ва минг йилларни ўз ичига олган ёзма адабиёт тарихига эга.

Синъязн Уйгур Автоном районининг Оқсув, Турфон, Урумчи шахарларида, Мўғилистон Халқ Республикасидаги Орхон, Селанга дарёларининг қирғокларида топилган моддий маданият ёдгорликлари уйгур халқининг бой маънавий ўтмишидан дарак беради. Машҳур рус шарқшуноси академик В.В.Барътолд уйгурларнинг милоддан илгарги асрларда ҳам юқори маданиятли халқлардан биро бўлганлигин таъкидлайди.

Милоднинг VII асрдаёт уйгурларнинг «Чистони Элиқбек» ҳақидаги биринчи эпик достони майдонга келди. Бу достон уйгурларнинг кўчманчи қабилалари хужумига олиб борган қаҳрамона курашларини акс этдиради. «Чистони Элиқбек» уйгур тилида тилида яратилган биринчи эпик асар бўлиб, қадимги уйғур тили ва адабиётнинг энг ийрик ёдгорликларидан биридир.

VII асрнинг бошланишида уйгурлар туркий қабилалар иттифоқидан тузилган Түгю (турк сўзининг хитойча талаффузи) давлатининг составига кирдилар. Ана шу даврдан сакланиб қолган Орхон ва Селенга ёдгорликлари, қадимги уйғур тили ва адабиётининг ёдгорликлари сифатида уруғчилик ва кулдорлик тузуми емирилиб, илк феодализм босқичининг шаклланиш давридаги иқтисодий, сиёсий ва диний муносабатларни, уруғлар ва қабилалар, қуллар ва кулдорлар, оддий халқ билан хукмон уруғ ёки феодал аристократияси ўртасидаги муносабатларни жуда жонли бадиий воситалар орқали очиб беради. Қадимги Орхон ёдгорликларини бадиий жихатдан текширган рус олими, академик Ф.Е.Корш “Кул Тегин” ва бошка ёдгорликлар проза ва шеър аралаш ёзилган тарихий эпик асарлар эканлигини аниқлаган эди.

VII асрнинг охири ва VIII асрнинг бошланишида Ўрта Осиёга арабларнинг келиши ва ислом динининг тарқала бошлаши уйгурларнинг маънавий ҳаётida ҳам катта ўзгаришларга сабаб бўлди.

X асрга келиб уйгурлар қораҳонийлар давлати составига кирдилар. Қучор, Оқсув, Қашқар, Ёрканд шахарлари, Еттисув вилояти ва Ўрта Осиё територияси Қораҳонийлар давлатига тобе эди. Қораҳонийлар давлатида уйгур тили умумдавлат тили сифатида фойдаланилди. Уйгурларнинг қадимги ёзуви билан бир қаторда араб ёзуви ҳам кенг кўлланилди.

Қашқардаги Қора Буғроҳонлар саройига олимлар ва шоирлар тўпланар эди. Қора Буғроҳонлар сулоаси илм ва санъат ахилларига ҳомийлик қилдилар, ҳамда уларни катта асарлар ёзишга раббатлантиридилар. Буғроҳон Хорун даврида дидактик ахлоқий достон “Кутадғу билиг” ёзилди. Бу достон туркий тилда аruz вазнида ёзилган биринчи катта асар бўлиб, унгача аruz вазнида факат диний-фалсафий ва сиёсий мазмундаги кичик шеърлар ёзиларди. Ўрта Осиёдаги туркий халқлар адабиётига аruz вазни эндиғина кириб бораётган даврда Боласоғунлик Юсуф Хос Хожиб яратган бу достон ана шу мураккаб, лекин жуда силлиқ ва оҳангдор усулда ёзиш учун қўйилган биринчи катта қадам эди.

Адабиёт билан бир қаторда тилшунослик ва филология фанининг бошқа тармоқлари ҳам ривожланди. Қашқарда туғилиб ўсган ва дастлабки филологик билимини ўз она шаҳрида олган машҳур олим Маҳмуд ибн Ҳусайн ал Қошғарий тилшунослик соҳасидаги илмини янада чукурлаштириш учун араб шарқининг ўша даврдаги илмий маркази Бағдод шаҳрига бориб ўқиди. Буюк тилшунос олим Маҳмуд ибн Ҳусайн ал-Қошғарий Бағдод шаҳрида ўзининг машҳур “Девони луготут турк” асарини ёзиш билан туркий халқлар тили ва адабиётини илмий асосда ўрганиш ишига асос солди. М.Қошғарий то XI асргача бўлган туркий халқлар фольклорига доир материалларни тўплади, туркий қабилалар тилларининг ўзаро ва тилига нисбатан киёсий грамматикасини берди. “Девон” нинг охирги қисми эса туркий сўзларнинг арабча изоҳлаш лугати билан таъминланди.

М.Қошғарийнинг бу фундаментал асари XI асрда туркий халқлар филологияси соҳасидаги энг ийрик ишлардан бири бўлибгина қолмай, ҳозирги кунгача Ўрта ва Марказий Осиёдаги қадимги туркий халқлар адабиётининг ўрганишнинг асосий манбаидир.

XII асрнинг охирида ёзилган адабий ёдгорликларнинг энг қўзга кўринарлиси Аҳмад Юғнакийнинг “Хибатул хақойик” достонидир. Бу достон ҳам “Кутатгу билиг” каби дидактик мазмунга эгадир.

Бу ерда шуни уқтириб ўтиш ўринлики, то XIII аср охиригача ёзилган бу адабий ёдгорликларни ўрта Осиёдаги туркй халқларнинг, хусусан, ўзбек ва уйғур халқларининг мерослари деб қараш керак. Чунки, бу икки халқ тилининг ўхшашилиги ва маданий ўтмишининг бир-бирига яқинлиги уларни бир отани икки фарзанди каби тенг хуқуқли меросхўрлар қаторига қўяди. Машхур олим Е.Э.Бертельс ҳам ўзининг “Хибат ал -хакаик Ахмада Юғнака” деган мақолосининг хотимасида XIII асрнинг охири ўзбек ва уйғур тилларининг бир-биридан алоҳида халқ тили сифатида ажралиш даври эканлигини ва “Хибатул хақойик” аралаш ўзбек-уйғур тилида ёзилган сўнгги асар эканлигини кўрсатган эди. Яна у, “Хибатул хақойик”да эски ўзбек-тилининг элементлари кучли эканлигини ҳам айтиб ўтган эди.

XV-XVI асрлар давомида Шарқий Туркистонга ислом динининг кенг миқёсда тарқалиши интенсивлашади. Будда дини ва адабиёти ўз ўринни аста-секинлик билан мусулмон дини ва адабиётига бўшатиб бера бошлади.

Шарқий Туркистонда ислом динининг мустаҳкамланиши адабиёт ва санъатда ўзининг кенг ифодасини топди.

Бадиий адабиётда тасаввуфчилик ўзининг бутун моҳияти билан намоён бўлди.

Тасаввуф тариқати Оппоқ Хўёжа даврида айниқса ривожланди.

Ўз даврининг машхур шоири Хирқатий тасаввуфчиликнинг зидди ўлароқ, ўзининг “Муҳаббатнома” ва “Мехнатком” достонида символлик образлар орқали реал дунёдаги чин инсоний муҳаббат ва юксак ахлоққа доир масалаларни кенг ёритди.

Хирқатийдан кейин яшаган лирик шоир Залилий ижоди ҳам ўзининг ғоявий ранг-баранглиги билан характерланади.

Шоир Залилийнинг бизгача диний мазмундаги бир неча достони етиб келган.

XVIII асрнинг ўргаларида уйғур адабиётида ғазалчилик, халқ орасида тарқалгач тайёр сюжетлардан фойдаланиб, ёзиш таржимонлик кенг авж олди.

Ўз ғазалларининг оригиналлиги ва бадиий гўзаллиги билан хўтанлик шоир Навбатий алоҳида ўрин тулади.

Шуниси эътиборлики Навбатий ижодида буюк Навоийнинг кучли таъсири сезилиб туради.

XVIII аср уйғур адабиёти ўз тематикасининг ранг-баранглиги билан характерланади. Навбатий билан Арший каби лирик шоирлар қаторидан йирик эпик дидактик-ахлоқий достонлар яратган мулла Юнус Ёркандий, мулла Ниёз, Аълам Шаҳёрий, Қосимий, Муҳаммад Раҳим Қошғарий каби шоирлар ўзларининг реал турмушга бўлган муносабатлари билан бир-биридан фарқ қилганлари ҳолда, бадиий маҳорат ва услубларининг комил устунлиги жихатидан бир-бирларидан қолишмайдилар.

XVIII аср уйғур адабиётида араб, эрон, хинд, ўзбек ва озайбаржон адабиётининг кўзга кўринган асарларини таржима килиш билан бир қаторда, ана шу асарларига тақлид шаклидаги асарлар ҳам кўзга ташланади. Ўз даврининг тилчи ва адабиётчи олимларидан бири бўлган Муҳаммад Сиддик Баршидийнинг “Сиддикнома” асари сиёсат, қонун, илм, фалсафа, адабиёт, дин, ахлоқ масалаларини ўз ичига олади. Бу асар ўзининг мазмуни жихатидан 1035 йили ёзилган форсча “Қобуснома”га ўхшасада форс ёзувчиси Қобуснинг асарига қараганда анчагина кенг доираидаги масалаларини ёритади.

XIX аср уйғур класик адабиёти тараққиётининг юқори чўққиси бўлди. Бу даврдаги шоир ва адилларнинг қўпчилиги реал турмуш картиналарини акс эттиришга, асарга реал мазмун беришга интилдилар. XVIII асрнинг охирги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод этган талантли шоир Абдураҳим Наззорий яратган “Муҳаббат достонлари” циклидаги 18 достоннинг ҳаммаси ўзининг ҳаётйлиги, бадиий устунлиги ва бой мазмуни билан ўкувчидаги таъсир колдиради. Унинг бу достонлари шоирни уйғур адабиётининг прогрессив оқимидағи намоёндаларининг энг олдинги қаторига қўяди.

Уйғур адабиётига ўзининг ўтқир мазмундаги қўшиқлари билан кирган Садир Полвон ижоди алоҳида дикқатга сазовордир. Садир Полвоннинг бутун умри меҳнаткашларни озод қилиш учун курашда ўтди.

Мулла Шокир номи билан уйғур адабиётида машхур бўлган шоирнинг “Зафарнома” достони манжур феодал ҳокимиятининг малайи Сайд Ҳакимбекнинг манфур қиёфасини бутун борлигича очиб беради.

Уйгур адабиёти халқ маданиятининг узвий бир қисми ўлароқ, ўзида замоннинг диний, сиёсий, ахлоқий, фалсафий ва илмий ғояларини акс эттиргани ҳолда, асрлар мобайнида тарихнинг оқимига караб мазмунан ва шаклан мукаммаллашиб борди. Бу ҳолни уйгур адабиётининг классиги Билол Нозим ижодида яққол кўриш мумкин.

Айтиш мумкинки, уйгур адабиёти-уйгур халқи маънавий хаётининг ойнаси сифатида унинг маданий ўтмиши нақадар бой ва мазмундор эканлигини кўрсатади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Аvezov M. Қарашибаш. Т., 1962.
2. Айтматов Ч. Танланган асарлар. 2 жилдлик. Т., 1978.
3. Айтматов Ч. Қиёмат. Т., 1986.
4. Аймбетов К. Қоракалпок фольклори. Н., 1977.
5. Антология каракалпакской поэзии. Т., 1963.
6. Бердак. Шеърлар, достонлар. Т., 1978.
7. Байжиев М. Менинг олтин балиқчам. Т., 1979.
8. Деряев Х. Қисмат. Т., 1970.
9. История литературы Средней Азии и Казахстана. М., 1960.
10. Иноғомов Р. Адабий қардошлиқ тароналари. Т., 1972.
11. Камина. Танланган асарлар. Т., 1957.
12. Кербобоев Б. Дадил қадам. Т., 1960.
13. Кор-Оглұ. Туркменская литература. М., 1972.
14. Күзларингга бокқанимда. Т., 1966.
15. Колмурзаев А. Эстетическое творчество Абая. Алма-Ата, 1979.
16. Литературный энциклопедический словарь. М. 1987г.
17. Мамед Ариф. История азарбайджанской литературы.(Краткий очерк). Баку, 1971г.
18. Манас. Т., 1992.
19. Махтумкули. Шеърлар. 1976.
20. Мусрепов Ф. Қозоқ солдати. Т., 1985.
21. Мусрепов Ф. Қирон қуш қўшиғи. Т., 1970.
22. Мухаммадхўжаев X.“Қардошлиқ туйғулари”. Тошкент, 1976й.
23. Муқонов С. Бўтакўз. Т., 1962.
24. Нурпеисов А. Қон ва тер. Т., 1976-1979.
25. Олимжонов А. Маҳамбет майзаси. Т., 1975
26. Рустамов.Э. Саид Имомиддин Насими. Шарқ юлдузи. 1974й. 4-сон. 224-231-бетлар.
27. Туркман поэзиясининг антологияси. Ашхабад, 1958.
28. Туркман шоирлари. Т., 1963.
29. Турналар ороли. Т., 1971.
30. Тоқомбоев А. Шеърлар. Т., 1976.
31. Усмон Маматохунов. Уйгур адабиёти классиклари. Т. 1960й.
32. Шахриёр. Т., 1977.
33. Эралиев С. Тоғлар фарзандиман. Т., 1978.
34. Юсупов И. Чўл тўргайи. Т., 1972.
35. Юсупов И. Раҳмат сенга замоним. Т., 1979.
36. Қайипберганов Т. Сайланма. 3 жилдлик. Т., 1982.
37. Қодирий. Р. Уйғур адабиётининг оқсоколи. Ўзбекистон маданияти. 1974й. 7 июнь.
38. Қосимбеков Т. Синган қилич. Т., 1980.
39. Қулиев Қ. Қора карвон. Т., 1975.
40. Қурбонбоев Б. Бердак ва ўзбек адабиёти. Т., 1982.
41. Қўнонбоев А. Ўданлар. Т., 1954.

Мундарижа

Суз боши.....	3
Түркій халқлар адабиеті	4
Түркман адабиеті	4
Махтумкули ҳәёти ва ижоди	6
Берди Кербобоев ҳәёти ва ижоди	7
Қирғиз адабиеті	8
Тұхтагул Сотилғанов.....	9
Аали Тұқымбоев.....	9
Чингиз Айтматов ҳәёти ва ижоди	9
Қозоқ адабиеті	11
Абай Құнанбаев	14
Мухтор Аvezov	15
Қорақалпоқ адабиеті	15
Бердақ ҳәёти ва ижоди	17
Ж.Оймурзаев ҳәёти ва ижоди	18
Озарбайжон адабиеті	18
М.Ф.Охундов ҳәёти ва ижоди.....	22
Уйғур адабиеті.....	25
Адабиётлар	27